К.Б. Уразов, З.У. Мухаммадиев



МОДЕРНИЗАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИ ҲИСОБИ ВА АУДИТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Илмий-услубий тавсиялар



Самарқанд - 2013

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

К.Б. Уразов, З.У. Мухаммадиев

МОДЕРНИЗАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИ ҲИСОБИ ВА АУДИТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Илмий-услубий тавсиялар

САМАРҚАНД -2013

65.9(2)-2 б
У683

Уразов К.Б., Мухаммадиев З.У. Модернизация жараёнлари ҳисоби ва аудитини такомиллаштириш. Илмий-услубий тавсиялар. – Самарқанд, СамИСИ, 2013 – 52 б.

Тақризчилар: и.ф.д., доцент А.И. Аликулов (СамҚХИ),
и.ф.н., доцент С.Н. Ташназаров (Сам ИСИ)

Ушбу илмий-услубий ишда яқин ва узоқ келажакда республикамиз равнақининг устувор йўналиши сифатида танлаб олинган иқтисодиётни реал секторлари субъектларини модернизациялаш жараёнларининг моҳияти, йўналишлари, улар ҳисоби ва аудитини такомиллаштириш йўллари очиб берилган.

Олий таълим муассасалари ўқитувчилари, стажер-тадқиқотчи илмий ходимлар, магистрлар ва бакалаврлар учун мўлжалланган. Ундан корхона раҳбарлари, бухгалтерлар ва аудиторлар ҳам фойдаланишлари мумкин.

Бухгалтерия ҳисоби ва аудит кафедрасининг
2013 йил 2 апрелдаги йиғилишида муҳокама
этилган ва маъқулланган (10-сон баённома)

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти илмий ўқув-услубий кенгашининг 2013 йил 17 апрелдаги йиғилиши қарори билан чоп этишга тавсия этилган

@ К.Б. Уразов, З.У. Мухаммадиев, 2013

МУНДАРИЖА

КИРИШ..... 3

1-боб. МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ЖАРАЁНЛАРИ ҲИСОБИ ВА АУДИТИНИНГ КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ

1.1. «Модернизация» ва «модернизациялаш жараёнлари» атамаларининг иқтисодий талкини ва аҳамияти..... 4
1.2. Модернизация ва модернизациялаш жараёнларининг ҳисоб ва аудит объекти сифатидаги таснифий жиҳатлари..... 8
1.3. Модернизациялаш жараёнлари натижаларини тан олиш, баҳолаш ва ўлчаш мезонлари..... 13

2-боб. МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ЖАРАЁНЛАРИ ҲИСОБИНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

2.1. Модернизация жараёнларини ҳужжатлаштириш тартиби ва уни такомиллаштириш..... 16
2.2. Модернизация жараёнлари синтетик ҳисобини такомиллаштириш.... 19
2.3. Модернизациялаш жараёнларини молиявий ҳисоботда акс эттиришнинг ҳозирги ҳолати ва уни такомиллаштириш йўналишлари..... 27

3-боб. МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ЖАРАЁНЛАРИ АУДИТИНИ ЎТКАЗИШНИНГ ТАШКИЛИЙ ВА МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

3.1. Модернизациялаш жараёнлари аудитининг мақсади ва вазифалари .. 30
3.2. Модернизация жараёнлари аудитининг ташкилий асослари..... 31
3.3. Модернизациялаш жараёнлари аудиторлик текширувининг методологик жиҳатлари..... 37

ХУЛОСА..... 46

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ..... 49

SAMARQAND IQTISODIYOT VA SERVIS INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI
№ 53735

КИРИШ

Республикамиз Президенти И.А.Каримовнинг охирги йиллардаги маърузаларида ва чоп этилган асарларида[1] яқин ва узоқ келажакда мамлакатимизни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари, омиллари, механизмлари ва воситалари белгилаб берилди. Чунончи, уларда миллий иқтисодиётимизни равнак топтириш хусусиятларини ўзида ифодаловчи янгича концепция, йўналишлар ва тушунчалар илгари сурилди. Булар жумласига, «иқтисодиётни модернизациялаш», «товар, маҳсулот, иш ва хизмат турларини диверсификациялаш», «инновацион иқтисодиёт», «инновацион маҳсулот», «юқори технологияларга асосланган ишлаб чиқариш ва хизматлар», «юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотлар», «рақобатбардош ва экспортбоп маҳсулотлар» ва бошқаларни киритиш мумкин.

Макон ва замонда реал юз бераётган ва борган сари ривожланаётган ушбу янгича йўналишлар, фаолият турлари, жараёнлар, маҳсулотлар, шунингдек уларнинг илмий-назарий асосларини ифодаловчи қарашлар, тушунчалар ва категориялар ўзининг мазмун-моҳиятига кўра бухгалтерия ҳисоби ва аудит олдига ҳам қатор долзарб масалаларни қўйди. Чунки, жамиятнинг асосий ячейкалари бўлган корхона, муассаса ва ташкилотларда жорий қилинаётган янгича йўналишлар, фаолият турлари, жараёнлар, уларга қилинаётган сарф-харажатлар, олинаётган янги кўчмас мулк ва кўчар мулк (маҳсулотлар) турлари бухгалтерия ҳисоби ва аудитнинг бевосита объектлари ҳисобланади. Айнан шулар Президентимиз томонидан илгари сурилган янги концепциялар ва қарашлар асосида корхоналарда амалга оширилаётган модернизация, диверсификация ва инновация жараёнлари, яратилаётган янгича мулк (маҳсулот) турлари ҳисоби ва аудитининг назарий, ташкилий ва методологик асосларини янада такомиллаштиришдек ўта муҳим муаммоларни ҳал қилишни тақозо этмоқда.

Ушбу илмий-услубий ишда Президентимиз томонидан илгари сурилган янги концепциялар ва йўналишлардан келиб чиқиб, ҳозирги шароитда республикамизда асосий стратегик йўналиш сифатида тан олинган модернизациялаш жараёнларининг моҳияти, йўналишлари, улар ҳисоби ва аудитини такомиллаштириш йўллари очиб берилган.

---

[1] **Қаранг:** Каримов И.А Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Т.: «Ўзбекистон». 2009, - 48 б.; Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Президент Ислом Каримовнинг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърўзаси // Халқ сўзи, 2010 йил 30 январь; Каримов И.А.. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. - Тошкент: «Ўзбекистон», 2010. – 28-б.; Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат килади. // Халқ сўзи, 2011 йил 22 январь.

1-боб. МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ЖАРАЁНЛАРИ ҲИСОБИ ВА АУДИТИНИНГ КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ

1.1.«Модернизация» ва «модернизациялаш жараёнлари» атамаларининг иқтисодий талқини ва аҳамияти

Умумтан олинган таълимотда, маълумки, иқтисодиётни ривожлантиришнинг иккита йўли эътироф этилади. Булар: (1) интенсив ривожлантириш; (2) экстенсив ривожлантириш.

Интенсив ривожлантириш деганда, одатда, кам қўл меҳнатини сарфлаб, юқори натижаларга эришиш тушунилади. Экстенсив ривожлантириш деганда эса, кўп қўл меҳнатини сарфлаш, яъни кўп иш кучини сарфлаш эвазига кўпроқ бойлик яратиш тушунилади.

Инсон манфаатлари олий мақсад бўлган ҳар қандай кишилик жамиятида, табиий равишда, иқтисодиётни интенсив йўл билан ривожлантириш устувор ҳисобланади. Айнан шундай мақсад ҳар қандай давлатда иқтисодиётни интенсив ривожлантиришнинг янги йўллари, йўналишлари, воситаларини белгилаш ҳамда уларни ҳаётга тадбиқ этишни тақозо этади. Доимий янгиланишга қаратилган бундай ҳаракатлар умумтан олинган иқтисодий таълимотда «модернизация», «модернизациялаш», «модернизациялаш жараёнлари» каби тушунчаларни кириб келишига ҳамда уларни турли йўналишларда ва соҳаларда ўзига хос мазмунларда талқин қилинишига олиб келди.

Хўш, ҳар қандай кишилик жамияти иқтисодиётини интенсив ривожлантиришнинг устувор йўналиши сифатида тан олинган, манбаларда «модернизация», «модернизациялаш», «модернизациялаш жараёнлари» каби номларда эътироф этилаётган ушбу тушунчаларнинг моҳияти ва аҳамияти нимада?

Барчани қизиқтирувчи ушбу ва бошқа саволларга жавоб топиш учун, даставвал, ушбу атамаларга манбаларда берилган таъриф ва тавсифларга қисқача тўхталайлик.

Юқорида номлари келтирилган ҳар учала атаманинг ўзагида, кўриниб турибдики, «модерн» сўзи ётади. Бу сўз бизнинг лексиконимизга хорижий тиллардан кириб келган. Манбаларга кўра[2], **«модерн»** - французча «moderne» сўзидан олинган ва энг янги, замонавий деган мазмунни билдиради. У Европа ва Америка санъатида вужудга келган янги бадиий усул сифатида 19-асрнинг охири ва 20- асрнинг бошида пайдо бўлган. Ҳаттоки, у турли мамлакатларда турлича номланган, масалан, Англия, Франция, Бельгия, АҚШда «арнуво» (Art Nouveau), Германияда «югендстиль» (Jugendstil), Австрияда «сециссион» (Sezission). Италияда «либерти» (Liberty), Испанияда «модернизм» (modernismo).

[2] Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. – Т.: «Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси» давлат илмий нашриёти, 43-б.

Ўзбекистон миллий энциклопедициясида[3] модернизация ва модернизациялаш атамалари бир хил атама сифатида эътироф этилган ва «бирор нарсани янгилаш, унга замонавий тус бериш, уни замонавий талабларга мувофиқ ўзгартириш» мазмунида изоҳланган. «Модернизациялашда,- деб таъкидланади ушбу манбада,- машина, аппарат, турли технологик қурилмалар, муҳим кашфиётлар техника тараққиёти талабларига мувофиқ қайта ишланади»[4].

«Ҳозирги ўзбек тили фаол сўзларининг изоҳли луғоти»да[5] модернизация атамаси «замонавийлаштириш, дидга мослаб ўзгартириш» мазмунида изоҳланган.

Келтирилган таърифлардан кўриниб турибдики, модернизациялаш ҳар қандай жамият тараққиётини таъминловчи ҳамда шу мақсадда аниқ макон ва замонда юз бериши муқаррар бўлган жараёндир. Чунки, янгиликка интилмасдан туриб, мавжуд моддий-техник базани янгиламасдан туриб, янги техника ва юқори технологияларни жорий этмасдан туриб, табиий равишда, жамиятни, унинг иқтисодиётини ривожлантириб бўлмайди. Айнан шу боис ҳам, Республикамиз Президенти мамлакатимизни модернизация қилишни ҳозирги кундаги ва узоқ келажакдаги энг устувор вазифамиз эканлигини такрор ва такрор эътироф этмоқда.

«2013 йил ва яқин келажакка мўлжалланган дастуримизни амалга оширишда иқтисодиётимиз ва унинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашни жадаллаштириш ва унинг кўламини кенгайтириш, ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш марказий ўрин тутиши даркор»[6].

«Ўтган йили,– деб таъкидлади Президентимиз ўзининг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида, – фаолият кўрсатаётган корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш ҳамда замонавий, юксак технологияларга асосланган янги ишлаб чиқаришни ташкил этишни тезлаштириш борасида фаол инвестиция сиёсати юритишга алоҳида эътибор қаратилди.

2011 йилда молиялаштиришнинг барча манбалари ҳисобидан қиймати 10 миллиард 800 миллион доллардан ортиқ капитал қўйилмалар ўзлаштирилди, бу 2010 йилга нисбатан 11,2 фоиз кўп демакдир. Инвестицияларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 23,9 фоизни ташкил этгани мамлакатимизда

---

[3] Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. – Т.: «Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси» давлат илмий нашриёти, 43-б.

[4] Шу ерда

[5] Ҳозирги ўзбек тили фаол сўзларининг изоҳли луғоти» - Т.: «Шарқ» НМАК Бош таҳририяти, 2001, 137-б.

[6] Бош мақсадимиз - кенг кўламли ислоҳатларни ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2013 йил 19 январь.

инвестиция жараёнларининг жадал фаоллашиб бораётганидан далолат беради.

Иқтисодиётимизнинг реал секторига қарийб 2 миллиард 900 миллион доллар ҳажмида хорижий инвестициялар жалб қилинди, уларнинг 78,8 фоизи тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардир.

Капитал қўйилмаларни молиялаштириш манбалари ва улардан фойдаланиш борасида ижобий сифат ўзгаришлари рўй бермоқда.

Жами инвестицияларнинг 73 фоизидан ортиғи мамлакатимизнинг ички манбалари ҳисобидан – корхоналар ва аҳоли маблағлари, инвестиция жараёнларида тобора фаол иштирок этаётган тижорат банклари кредитлари, шунингдек, давлат бюджети ва бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари ҳисобидан шакллантирилмоқда.

Жами инвестицияларнинг 73,5 фоизидан ортиғи ишлаб чиқариш қувватларини барпо этишга йўналтирилмоқда. Инвестицияларнинг қарийб 45,3 фоизи замонавий, юксак самарали асбоб-ускуналар харид қилишга йўналтирилгани, айниқса муҳимдир»[7].

Президентимизнинг ушбу таъкидлари модернизация, модернизациялаш, модернизациялаш жараёнлари мазмунига янада ҳам аниқроқ таъриф ва тавсифларни ишлаб чиқишга асос бўлади, деб ҳисоблаймиз. Чунончи, Президентимизнинг таъкидларида модернизациялашнинг корхоналар, муассасалар ва ташкилотларни техник ва технологик қайта жиҳозлаш, юксак самарали асбоб-ускуналарни харид қилиш ҳамда замонавий, юксак технологияларга асосланган янги ишлаб чиқаришни ташкил этишни тезлаштириш борасидаги фаол инвестиция сиёсати эканлиги, уларни билвосита, яъни давлат кафолатлари ва бевосита, яъни тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар асосида, шунингдек корхоналар ва аҳоли маблағлари, тижорат банклари кредитлари ҳамда давлат бюджети ва бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши каби жиҳатлари аниқ ўз ифодасини топган.

Бизнингча, макон ва замонда юз бераётган модернизациялашга Президентимиз маърузаларида ўз аксини топган концепциялар, йўналишлар, тушунчаларга асосланган ҳолда қуйидаги таърифни бериш мақсадга мувофиқдир.

Модернизациялаш – бу корхоналар, муассасалар ва ташкилотларни техник ва технологик қайта жиҳозлаш, юксак самарали асбоб-ускуналарни харид қилиш ҳамда замонавий, юксак технологияларга асосланган янги ишлаб чиқаришни ташкил этишни билвосита, яъни давлат кафолатлари ва бевосита, яъни тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар асосида, шунингдек корхоналар ва аҳоли маблағлари, тижорат банклари кредитлари ҳамда давлат бюджети ва бюджетдан ташқари жамғармалари ҳисобидан амалга оширилишидир.

---

[7] 2012 йил ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси.

Макон ва замонда юз бераётган ва борган сари кўлами кенгайиб бораётган модернизациялашга қуйидаги тавсифларни бериш ҳам фойдадан холи бўлмайди, деб ҳисоблаймиз.

Модернизациялаш – бу хўжалик юритувчи субъектлар моддий-техника базасини доимо ривожлантириш ва такомиллаштириб боришга қаратилган фаолиятдир.

Модернизациялаш – бу мавжуд асосий фондлар самарадорлигини янада оширишга қаратилган жараёндир.

Модернизациялаш – бу корхона, муассаса ва ташкилотларнинг пировардида аниқ натурал кўринишга ва қийматга эга бўладиган ва келгусида фойдаланиш жараёнида наф келтирувчи узоқ муддатли активлари, яъни капиталини кўпайтиришга йўналтирилган капитал инвестициялар мажмуасидир.

Модернизациялаш – бу корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда амалга оширилаётган капитал қурилиш, юксак самарали асбоб-ускуналарни харид қилиш, мавжуд асосий фондларни кенгайтириш, реконструкция қилиш ҳамда энг замонавий техника ва технологиялар асосида янгилаш жараёнларининг мажмуасидир.

1.2.Модернизация ва модернизациялаш жараёнларининг ҳисоб ва аудит объекти сифатидаги таснифий жиҳатлари

Таъкидлаш жоизки, модернизациялаш жараёнлари ҳозирги кунда ҳар бир корхона, муассаса ва ташкилотда юз бераётган хўжалик жараёнларининг ажралмас қисмидир. Ушбу жараёнлар ҳар бир корхона, муассаса ва ташкилотларда юритилаётган бухгалтерия ҳисобининг ҳамда олиб борилаётган аудитнинг тўғридан тўғри, яъни бевосита объекти ҳисобланади. Бухгалтерия ҳисоби ва аудит юз бераётган модернизациялаш жараёнлари тўғрисидаги энг реал ахборотларни уларнинг фойдаланувчиларига натурал, меҳнат ва пул ўлчов бирликларида етказиб берувчи энг муҳим бошқарув дастакларидир. Модернизациялаш жараёнларининг ўрни ва аҳамияти, уларга қилинаётган катта миқдордаги сарф-харажатлар, модернизациялашнинг самарадорлигига қўйилаётган талаблар ҳисоб ва аудит фани олдига ҳам муҳим назарий, методологик ва ташкилий муаммоларни ҳал этиш талабини қўймоқда.

Эътироф этиш керакки, ҳозиргача чоп этилган бухгалтерия ҳисоби ва аудитга оид дарсликлар, ўқув ва амалий қўлланмаларда модернизациялаш жараёнларининг таснифий асослари атрофлича очиб берилмасдан қолмоқда. Холбуки бу муҳим аҳамиятга молик бўлган жараёнлар ўта кенг қамровли тасниф ва тавсифга эга. Амалда бўлган бухгалтерия ҳисоби счётлар режасида кўзда тутилган счётлар тизими корхоналарда юз бераётган модернизациялаш жараёнларини сон ва сифат жиҳатдан ифодаловчи кўрсаткичлар тўғрисида етарлича ахборотларни бермайди. Чунончи, ушбу счётлар режасида макон ва

замонда реал ҳолда амалга оширилаётган модернизациялаш жараёнларини акс эттиришга мўлжалланган махсус счётларни мавжуд эмаслиги унинг замон талабига тўлиқ жавоб бермаслигидан дарак беради.

Бизнинг фикримизча, бухгалтерия ҳисоби ва аудитга оид дарсликлар, ўқув ва амалий қўлланмаларда ҳам модернизациялаш жараёнларини таснифлаш негизига модернизациялашга Президентимиз маърузаларида ўз аксини топган концепциялар, йўналишлар, тушунчаларга асосланган ҳолда қуйидаги белгиларни олиш фойдадан холи бўлмайди:

* модернизациялаш йўналишлари;
* модернизациялашни молиялаштириш манбалари;

Корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда амалга оширилаётган модернизациялаш жараёнларини ушбу белгиларига кўра қуйидагича таснифлаш мумкин (1-расмга қаранг).



1-расм. Модернизациялаш жараёнларини таснифи ва таркиби

Фикримизча, бухгалтерия ҳисоби ва аудитга оид дарсликлар, ўқув ва амалий қўлланмаларда модернизациялаш жараёнларининг ҳар иккала белгиси бўйича улар таркибига кирувчи ишларнинг таърифлари ҳамда тавсифлари атрофлича берилиши лозим. Чунончи, модернизациялаш жараёнлари йўналишларини ифода этувчи атамаларга Президентимиз маърузаларида ўз аксини топган концепциялар, йўналишлар ва тушунчаларга асосланган ҳолда қуйидагича таърифлар ва тавсифларни бериш фойдадан холи бўлмайди, деб ҳисоблаймиз.

Юксак самарали асбоб-ускуналарни харид қилиш – бу юқори сифатли маҳсулотларни яратиш, ишларни бажариш ва хизматларни кўрсатишда қўлланиладиган жиҳозлар, ускуналар ва бошқа техник воситаларини сотиб олиш.

Капитал қурилиш - бу янги бино ва иншоатларни яратилиши билан боғлиқ жараёнлар мажмуаси. Янги бино ва иншоатларни яратилиши ўз ичига лойиҳалаштириш, қуришга тайёргарлик, таъминот, қуриш, фойдаланишга топшириш каби жараёнларни олади. Ҳар бир жараён қурилишга доир маълум ишлардан ташкил топади ва ўзининг пировард натижасига эга бўлади.

Қурилишни *лойиҳалаштириш* – бу янги бино ва иншоатларни қуришнинг техник, технологик, геодезик, топографик ва барча бошқа жиҳатлари ўрганиш, уларнинг аниқ параметрлари ва ўлчамларини белгилаш. Қурилиш лойиҳаси, одатда, махсус лойиҳалаштириш муассасалари (институтлар) томонидан буюртмачи билан тузилган шартномага асосан ишлаб чиқилади. Ишлаб чиқилган лойиҳа қуриладиган объект жойлашган худуднинг шаҳарсозлик бош лойиҳаси талабларига зид бўлмаслиги лозим. Шу боис ҳам янги объектларни қуришдан олдин уларнинг лойиҳалари Ўзбекистон Республикаси «Давархитектқурилиш» қўмитасининг жойлардаги бошқармалари ва бўлимлари томонидан кўриб чиқилади ва маъқулланади. Лойиҳалаштириш жараёнининг натижаси бўлиб янги қуриладиган объектнинг барча техник-иқтисодий параметрларини ифодаловчи лойиҳаси ва қуриш сметаси ҳисобланади. Қуриш сметасида объектни қуриш билан боғлиқ барча ишларнинг ҳажми, уларнинг белгиланган меъёр ва тартибларга мувофиқ ҳисобланган қиймати кўрсатилади. Лойиҳа қиймати пудратчи ва буюртмачи ўртасида тузиладиган шартнома қийматини белгилашга асос бўлади.

Қуришга тайёргарлик ва унинг таъминот жараёни – бу янги бино ва иншоатларни қуриш бўйича буюртмачи ва пудратчи томонидан амалга ошириладиган маълум ишлардир. Бу ишларни бажариш бўйича томонларнинг мажбуриятлари тузилган шартномада ўз аксини топади. Масалан, буюртмачи бу жараёнда ўз зиммасига қуриш учун керакли бўлган материалларни пудратчига етказиб бериш, олдиндан тўлов суммасининг келишилган қийматини (лойиҳа қийматининг 15 фоиздан кам бўлмаган қисмини) курувчи ташкилотнинг ҳисоб рақамига ўтказиб бериш кабиларни олади. Пудратчи ташкилот қуриш учун керакли техника ва жиҳозларни қурилиш майдончасига етказиш, уларни куриш ишлари учун тайёрлаш ва шу каби мажбуриятларни ўз зиммасига олади.

Объектни қуриш жараёни – бу қурилишнинг титул рўйхатида кўрсатилган ишларни босқичма-босқич лойиҳани бажариш жадвалига (графигига) мувофиқ амалга оширишдир. Қурилиш объектларининг битказилган, лекин буюртмачига ҳали топширилмаган қисми тугалланмаган ишлаб чиқариш (қурилиш ишлари) ҳисобланади.

Қурилган объектни фойдаланишга топшириш – бу қурилишнинг якуний жараёнидир. Бу жараён қурилишга доир лойиҳадаги барча ишлар тугатилгач, тузилган махсус комиссия томонидан амалга оширилади ва мос

равишда «Бажарилган ишлар (қилинган харажатлар) қиймати тўғрисида маълумотнома – счёт-фактура» билан расмийлаштирилади.

Реконструкция - бу харакатдаги асосий, ёрдамчи ва хизмат кўрсатувчи объектларини дастлабки холатини кенгайтирмасдан қайта ўзгартириб чиқишдир. Реконструкциядан асосий мақсад бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- ишлаб чиқаришни такомиллаштириш ва унинг техник-иқтисодий даражасини илмий-техника прогресси ютуқлари асосида кўтариш;
- ҳаракатдаги ишлаб чиқариш объектлари қувватини ошириш;
- ишчи ходимларнинг меҳнат шароитларини яхшилаш, уларнинг меҳнат унумдорлигини ошириш;
- техник бўғинлардаги диспропорцияларни йўқотиш.

Кенгайтириш – бу харакатдаги бино ва иншоатларига қўшимча ишлаб чиқариш объектларини қуриш, асосий, ёрдамчи ва хизмат кўрсатувчи цехларнинг майдончаларини ишлаб чиқариш қувватини ошириш мақсадида кенгайтириш билан боғлиқ ишлар. Кенгайтириш ишларига шунингдек буюртмачилар узоқ муддатли активлари таркибига киритиладиган ва алоҳида балансга ажратилмайдиган филиаллари ва ишлаб чиқариш бўлинмаларини қуриш ҳам киритилади.

Ободонлаштириш деганда фойдаланишда бўлган ер майдончаларининг кўринишини яхшилаш, ер ости ўтказмаларини қуриш, транспорт воситаларини тўхтаб туриш жойларини ташкил қилиш, ер майдончаларини темир панжаралар билан ўраш, юриш йўлкаларини қуриш каби ишлар тушунилади.

Капитал таъмирлаш деганда асосий, ёрдамчи ва хизмат кўрсатишга мўлжалланган объектларни техник-иқтисодий даражасини ошириш ва сақлаш техник-ишлаб чиқариш ҳолатини янада яхшилаш, уларни ишчи ҳолатда ушлаб туриш мақсадларида бажарилган ишлар тушинилади. Бу ишлар, одатда, корхоналар моддий техника базасининг миқдорий ҳажмини кенгайтирмайди. Бироқ, капитал таъмирлаш ишлари корхоналарда ишлаб чиқариш қувватларини оширишга, меҳнат шароитларини ва атроф муҳит муҳофазани яхшилашга имкон беради.

Мавжуд ишлаб чиқариш қувватларини замонавий техника ва технологиялар асосида янгилаш – бу харакатдаги асосий, ёрдамчи ва хизмат кўрсатувчи объектларини, техника ва технологик линияларини энг замонавий илмий ва техник ютуқлар асосида янгилаш ҳамда алмаштиришдир. Бундай ишларнинг асосий мақсади бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- ишлаб чиқаришни янада такомиллаштириш, унинг техник-иқтисодий даражасини илмий-техника прогресси ютуқлари асосида юксалтириш;
- ҳаракатдаги эски ишлаб чиқариш объектларини янгилаш ва шу асосда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини ошириш;

•ишлаб чиқариш қувватлари унумдорлигини ошириш, техник ва технологик линияларда ишловчи ходимлар меҳнат унумдорлигини кескин ошириш.

Модернизациялаш жараёнларини молиялаштириш манбаларини ифода этувчи атамаларга қуйидагича таърифлар ва тавсифларни бериш мумкин.

Давлат кафолати билан хорижий инвестиция асосида модернизациялаш – бу модернизациялаш жараёнларини бевосита ташқи инвесторларнинг маблағлари эвазига давлат кафолати асосида амалга ошириш.

Тўғридан-тўғри хорижий инвестиция асосида модернизациялаш - бу модернизациялаш жараёнларини бевосита ташқи инвесторларнинг маблағлари эвазига давлат кафолатисиз амалга ошириш. Бу турдаги модернизациялаш жараёнлари учун маблағ киритаётган ташқи инвесторлар учун республикамизнинг Солиқ кодексида ҳамда Президентимизнинг фармон ва қарорларида кўплаб имтиёзлар ва преференциялар белгиланган.

Ички инвестициялар ҳисобидан модернизациялаш - бу модернизациялаш жараёнларини фақат мамлакатнинг ички инвесторлари маблағлари эвазига амалга ошириш.

Бюджет маблағлари эвазига модернизациялаш - бу модернизациялаш жараёнларини бевосита давлат бюджети маблағлари эвазига амалга ошириш. Бу турдаги модернизациялаш жараёнлари ҳозирги кунда таълим, соғлиқни сақлаш, транспорт ва бошқа соҳаларда кенг кўламда амалга оширилмоқда.

Бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари эвазига модернизациялаш - бу модернизациялаш жараёнларини бевосита давлат бюджетидан ташқари фондлар маблағлари эвазига амалга ошириш. Бу турдаги модернизациялаш жараёнлари ҳозирги кунда мисол учун автомобиль йўллари соҳасида кенг кўламда амалга оширилмоқда.

Тижорат банклари кредитлари эвазига модернизациялаш - бу модернизациялаш жараёнларини бевосита тижорат банклари маблағлари эвазига амалга ошириш. Бу турдаги модернизациялаш жараёнлари хозирги кунда мисол учун қишлоқ уй-жой қурилиши, банкротка учраган корхоналарни қайта ташкил этишда кенг кўламда амалга оширилмоқда.

Аҳоли маблағлари эвазига модернизациялаш - бу модернизациялаш жараёнларини бевосита аҳоли маблағлари эвазига амалга ошириш. Бу турдаги модернизациялаш жараёнлари ҳозирги кунда барча соҳада, чунончи, хизмат кўрсатиш, савдо, умумий овқатлантириш ва бошқа соҳаларда кенг кўламда амалга оширилмоқда.

Корхоналарнинг ўз маблағлари эвазига модернизациялаш - бу модернизациялаш жараёнларини бевосита корхоналарнинг ўзлари ишлаб топган соф фойдаси эвазига амалга ошириш. Бу турдаги модернизациялаш жараёнлари ҳозирги кунда барча соҳада амалга оширилмоқда.

Модернизациялаш жараёнларига оид ушбу атамаларни дарслик, ўқув ва амалий қўлланмаларга киритиш, бизнинг фикримизча, бўлғуси бухгалтер-талабаларда бу муҳим жараён ҳисобини юритиш бўйича аниқ тасаввурларни олдиндан олишга имкон беради.

1.3.Модернизациялаш жараёнлари натижаларини тан олиш, баҳолаш ва ўлчаш мезонлари

Модернизациялаш жараёнларини амалга ошириш, бир томондан, катта миқдордаги моддий, меҳнат ва молиявий характердаги сарф-харажатни талаб қилади. Иккинчи томондан, модернизациялаш жараёнлари натижасида корхоналарда турли янги моддий ва номоддий активлар, масалан бино ва иншоатлар, техника ва технологиялар, янги маҳсулот, иш ва хизмат турлари, эгалик ҳуқуқи ва бошқалар вужудга келади. Шунингдек, модернизациялаш жараёнлари корхоналарда турли дебиторлик ва кредиторлик қарзларни вужудга келтиради.

Юқоридагиларнинг барчаси модернизациялаш жараёнларига қилинган сарф-харажатларни, улардан олинган натижаларни, вужудга келган молиявий муносабатларни у ёки бу мақомда тан олиш, баҳолаш ҳамда ўлчаш талабини қўяди.

Модернизациялаш жараёнларига қилинган сарф-харажатларни ўлчаш ва ҳисобга олиш негизида ҳисоблаш тамойили асос қилиб олинади. Ушбу тамойилга мувофиқ модернизациялаш жараёнларига қилинган барча сарф-харажатлар улар қайси ҳисобот даврида юз берган бўлса, ўша давр сарф-харажатлари сифатида тан олинади. Бундай сарф-харажатлар, одатда, пировардида маълум актив ёки шу давр фойдасидан қопланадиган харажат сифатида ҳисоб ва ҳисоботда акс эттирилади.

Модернизациялаш жараёнларига қилинган сарф-харажатларни актив сифатида тан олиш учун улар қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

- қийматга эга бўлиши ва бу қиймат баҳоланадиган бўлиши керак;
- эгалик қилиш ҳуқуқига асосан қайси корхона балансига киритилган бўлса, шу корхона томонидан назорат қилиниши лозим;
- келгусида корхонага иқтисодий наф келтириши керак, жумладан корхонанинг пул маблағларини киримини кўпайишига бевосита ва билвосита ҳисса қўшиши керак;
- юз берган хўжалик операциялари натижаси ҳисобланиши керак.

Модернизациялаш жараёнлари натижасида вужудга келадиган активларнинг характерли хусусиятларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- жисмоний кўринишга (шаклга) эга бўлиши ҳам, эга бўлмаслиги ҳам мумкин. Масалан, бино ёки станоклар аниқ шаклга эга, лекин патент, лицензия, савдо белгиси, муаллифлик ҳуқуқи моддий шаклга эга эмас;
- сотиб олинган ёки бевосита ўзида яратилган бўлиши лозим;
- корхонада юз бераётган жараёнларда моддий асос ёки уларнинг натижаси ҳисобланиши мумкин, масалан, хом-ашё ва материаллар капитал қурилиш учун моддий асос, янги вужудга келган бино ва иншоатлар эса модернизациялаш жараёнларининг натижаси ҳисобланади;
- бошқа активларга алмаштирилиши мумкин;
-қарзларни тўлаш учун ишлатилиши мумкин;
-киска ёки узоқ вақт мабойнида фойдаланишда бўлишлиги мумкин.
-оборотда ва оборотдан ташқарида бўлишлиги мумкин.

Корхоналарда модернизациялаш жараёнлари натижасида вужудга келадиган асосий активларга қуйидагилар киради:

• ***Асосий воситалар*** - бинолар, иншоатлар, машина ва механизмлар, транспорт воситалари, компьютер техникаси, мебел ва бошқалар.

• ***Номоддий активлар*** – лицензия, патент, савдо маркаси, товар белгиси, гудвил, муаллифлик ҳуқуқи ва бошқалар.

• ***Капитал инвестициялар*** - тугалланмаган қурилишларга, харакатдаги асосий воситаларни кенгайтириш, реконструкция ва янгилашга сарфланган, шунингдек янги узоқ муддатли активларни сотиб олишга киритилган маблағлар, сотиб олинган, лекин ўрнатилмаган жиҳозлар.

• ***Ишлаб чиқариш заҳиралари*** – модернизациялаш жараёнларини амалга ошириш учун харид қилинган хом-ашё ва материаллар, ёқилғи, тара ва тара материаллари, эхтиёт қисмлар, қурилиш материаллари, хўжалик инвентарлари, боқувдаги ва ўстиришдаги ёш моллар.

• ***Тугалланмаган ишлаб чиқариш харажатлари*** – тайёр ҳолга етмаган янги маҳсулотларларга тўғри келадиган харажатлар, ярим маҳсулотлар.

• ***Янги тайёр маҳсулотлар*** – омборларга қабул қилинган янги тайёр буюмлар.

• ***Келгуси давр харажатлари*** - ҳисобот йилида келгуси даврларда амалга оширилиши назарда тутилган модернизациялаш жараёнлари учун қилинган харажатлар.

• ***Олинадиган счётлар*** - модернизациялаш жараёнларига оид бошқа юридик ва жисмоний шахсларнинг корхона олдидаги дебиторлик қарзлари.

Республикамизнинг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида қонуни», ушбу қонун асосида ишлаб чиқилган бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари (БҲМС), «Маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тўғрисида Низом» ва бошқа амалдаги меъёрий ҳужжатларга кўра модернизациялаш жараёнларига қилинган сарф-харажатлар, улардан олинаётган активлар, вужудга келадиган дебиторлик ва кредиторлик қарзлар қуйидаги қийматлар бўйича баҳоланиши мумкин:

а) хариднинг ҳақиқий таннархи бўйича;

б) дастлабки қиймати бўйича;

в) қолдиқ қиймати бўйича;

г) тикланиш қиймати бўйича;

д) номинал қиймати бўйича;

е) ишлаб чиқаришнинг ҳақиқий тўла таннархи бўйича;

ж) бевосита харажатларга кўра ишлаб чиқаришнинг ҳақиқий таннархи бўйича;

з) режали, меъёрий таннархи бўйича;

и) бозор баҳоси бўйича.

Ушбу қиймат турларини модернизациялаш жараёнлари ва уларга қилинган сарф-харажатларнинг алоҳида турлари, олинган натижалар ҳисобида қўллаш тартиби 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Модернизациялаш жараёнларига қилинган сарф-харажатлар, олинадиган активлар ва уларга доир ҳисоб-китобларни БАҲОЛАШ ТУРЛАРИ

Модернизациялаш жараёнлари, уларда олинаётган активлар ва мажбуриятларнинг турлари	Баҳолашни қўллаш				
	Бозор баҳоси	Ҳақиқий қиймат	Қолдиқ қиймат	Номинал қиймат	Режали, меъёрий қиймат
Капитал қурилиш ишлари	ҳа	ҳа	йўқ	йўқ	ҳа
Реконструкция ишлари	ҳа	ҳа	йўқ	йўқ	ҳа
Кенгайтириш ишлари	ҳа	ҳа	йўқ	йўқ	ҳа
Ободонлаштириш ишлари	ҳа	ҳа	йўқ	йўқ	ҳа
Асбоб-ускуналарни сотиб олиш	ҳа	ҳа	йўқ	йўқ	ҳа
Капитал таъмирлаш ишлари	йўқ	ҳа	йўқ	йўқ	ҳа
Асосий воситалар	ҳа	ҳа	ҳа	йўқ	йўқ
Ўрнатиладиган асбоб-ускуналар	ҳа	ҳа	йўқ	йўқ	йўқ
Номоддий активлар	ҳа	ҳа	ҳа	йўқ	йўқ
Капитал қўйилмалар	ҳа	ҳа	йўқ	йўқ	йўқ
Материаллар	ҳа	ҳа	йўқ	йўқ	ҳа
Тугалланмаган ишлаб чиқариш	ҳа	ҳа	йўқ	йўқ	ҳа
Тайёр маҳсулот, ярим тайёр маҳсулот, яроқсиз маҳсулотлар ва товарлар	ҳа	ҳа	йўқ	йўқ	ҳа
Пул маблағлари ва пулли эквивалентлар	йўқ	йўқ	йўқ	ҳа	йўқ
Дебиторлик ва кредиторлик қарзлар	ҳа	ҳа	йўқ	йўқ	йўқ
Келгуси даврлар харажатлари	йўқ	ҳа	йўқ	йўқ	йўқ

Юқорида келтирилган қиймат турларини тўғри ҳисоб-китоб қилиш, уларни тўғри қўллаш модернизациялаш жараёнлари натижаларини ҳисоб ва ҳисоботда реал акс эттирилишини таъминлашнинг мухим омилидир.

2-боб. МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ЖАРАЁНЛАРИ ҲИСОБИНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

2.1.Модернизация жараёнларини ҳужжатлаштириш тартиби ва уни такомиллаштириш

Корхоналарда амалга оширилаётган модернизациялаш жараёнлари уларнинг мазмунидан, ушбу жараёнларни пудрат ва хўжалик усулларида амалга оширилаётганлигидан, шунингдек бошқа шарт-шароитлардан келиб чиқиб турли бошланғич ҳужжатлар билан расмийлаштирилади. Ҳозирги пайтда корхоналарда модернизациялаш жараёнларини расмийлаштиришда кенг қўлланилаётган бошланғич ҳужжатларнинг асосийлари 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

Модернизациялаш жараёнларини расмийлаштиришда ишлатиладиган бошланғич ҳужжатлар тизими

№	Модернизациялаш жараёнлари турлари	Расмийлаштиришда ишлатиладиган бошланғич ҳужжатлар номи
1	Капитал қурилиш	*Пудрат шартномаси; * Ишга тушириш тўғрисида далолатнома; *Бажарилган ишлар (қилинган харажатлар) қиймати тўғрисида маълумотнома – счёт-фактура; *М-29 шаклдаги ҳисобот
2	Юксак самарали асбоб-ускуналарни харид қилиш	*Олди-сотди шартномаси; * Юк божхона деклорацияси; *Инвойс; *Счет – фактура
3	Кўчмас мулкни харид қилиш	*Олди-сотди шартномаси; * Счет – фактура; *Қабул қилиш-топшириш далолатномаси
4	Бошқа асосий воситаларни харид қилиш	*Олди-сотди шартномаси; * Счет – фактура; *Қабул қилиш-топшириш далолатномаси
5	Номоддий активларни харид қилиш	Олди-сотди шартномаси; * Счет – фактура; *Қабул қилиш-топшириш далолатномаси
6	Асосий подани шакллантириш	*Олди-сотди шартномаси; * Счет – фактура; *Қабул қилиш-топшириш далолатномаси; *Бўнак ҳисоботи; *Квитанция ва кирим наклоднойлари
7	Ерни ободонлаштириш	*Пудрат шартномаси; *Ерни ободонлаштириш тўғрисида далолатнома; *Бажарилган ишлар (қилинган харажатлар) қиймати тўғрисида маълумотнома – счёт-фактура; *М-29 шаклдаги ҳисобот

8	Молиявий ижара шартномаси бўйича харид қилинган асосий воситалар	*Молиявий ижара шартномаси; * Счёт-фактура; *Қабул қилиш-топшириш далолатномаси; *Молиявий лизинг тўлови графиги
9	Мавжуд қувватларни кенгайтириш	*Пудрат шартномаси; *Кенгайтириш тўғрисида далолатнома; *Қабул қилиш-топшириш далолатномаси; *Бажарилган ишлар (қилинган харажатлар) қиймати тўғрисида маълумотнома – счёт-фактура *М-29 шаклдаги ҳисобот
10	Мавжуд қувватларни реконструкция қилиш	*Пудрат шартномаси; *Реконструкция тўғрисида далолатнома; *Қабул қилиш-топшириш далолатномаси; *Бажарилган ишлар (қилинган харажатлар) қиймати тўғрисида маълумотнома – счёт-фактура *М-29 шаклдаги ҳисобот
11	Мавжуд қувватларни замонавий техника ва технологиялар асосида янгилаш	*Пудрат шартномаси; * Мавжуд қувватларни замонавий техника ва технологиялар асосида янгилашя тўғрисида далолатнома; *Қабул қилиш-топшириш далолатномаси; *Бажарилган ишлар (қилинган харажатлар) қиймати тўғрисида маълумотнома – счёт-фактура
12	Капитал таъмирлаш	*Пудрат шартномаси; *Капитал таъмирлаш тўғрисида далолатнома; *Қабул қилиш-топшириш далолатномаси; *Бажарилган ишлар (қилинган харажатлар) қиймати тўғрисида маълумотнома – счёт-фактура *М-29 шаклдаги ҳисобот

Таъкидлаш жоизки, республикамизда модернизациялаш жараёнларини расмийлаштиришга мўлжалланган бошланғич ҳужжатларнинг яхлит тизими ишлаб чиқилмаган. Амалиётда қўлланилаётган айрим ҳужжатлар ўзининг номи, тузилиши, қамрови ва бошқа жиҳатлари бўйича модернизациялаш жараёнларига оид ахборотларни тўлиқ олмаган, шунингдек уларнинг реквизитлари модернизациялаш жараёнларининг айрим турларига доир маълумотларни бир хилда шаклланишига имкон бермайди.

Бизнинг фикримизча, республикамиз миқиёсида модернизациялаш жараёнларини расмийлаштиришга мўлжалланган бошланғич ҳужжатларнинг ягона классификаторини яратиш зарур. Ушбу классификаторда 2-жадвалда келтирилган барча бошланғич ҳужжатларнинг намунавий шакллари, асосий реквизитлар ҳамда уларни тузиш тартиблари ўз ифодасини топиши лозим, деб ҳисоблаймиз.

Қуйида модернизациялаш жараёнларини расмийлаштиришда ўта муҳим аҳамиятга молик айрим бошланғич ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва намунасини белгилашда эътибор берилиши фойдадан холи бўлмаслиги ҳақида тўхталамиз.

O'ZBEKISTON IQTISODIYOT
AXBOROT RESURS MARKAZI
53735

Республикамизда корхоналар томонидан барча турдаги моддий бойликларни харид қилиб олишни расмийлаштириш учун, маълумки, яхлит номдаги, шаклдаги ва мазмундаги ҳужжат, яъни счёт-фактура тасдиқланган. Ушбу ҳужжатнинг таркибий тузилиши, реквизитлари модернизациялаш жараёнларининг муҳим йўналиши бўлган янги техника, жиҳоз, асбоб-ускуналар, транспорт ва бошқа узоқ муддатли активларни харид қилишда муҳим аҳамият касб этувчи ахборотларни тўлиғича ўзида мужассамлаштирмаган. Мисол учун, янги жиҳозлар ва асбоб-ускуналарнинг муҳим техник кўрсаткичлари, ишлаб чиқарилган вақти ва самарали хизмат муддати ва бошқа шу кабиларни счёт-фактуранинг қайси устунчаларида акс эттириш лозимлиги аниқ эмас. Кўплаб техника, жиҳоз, асбоб-ускуналар, транспорт ва бошқа узоқ муддатли активлар учун, маълумки, акциз солиғи белгиланмаган. Бундай ва бошқа жиҳатлар амалда бўлган счёт-фактуранинг ахборот сиғимини камайишига, модернизациялаш жараёнларининг муҳим йўналиши бўлган янги техника, жиҳоз, асбоб-ускуналар, транспорт ва бошқа узоқ муддатли активларни харид қилишда муҳим аҳамият касб этувчи ахборотларни бевосита улардан олиб бўлмасликка сабаб бўлмоқда. Шу боис ҳам, фикримизча, модернизациялаш жараёнларининг муҳим йўналиши бўлган янги техника, жиҳоз, асбоб-ускуналар, транспорт ва бошқа узоқ муддатли активларни харид қилишда муҳим аҳамиятга моликлигини эътиборга олиб, узоқ муддатли активларни харид қилиш ва сотиш операцияларини расмийлаштиришга мўлжалланган счёт-фактуранинг махсус шаклини ишлаб чиқиш лозим. Бу юқорида эътироф этилган ахборот танқислигининг олдини олишга, ҳисоб маълумотларини тўғридан-тўғри счёт-фактуралар асосида тизимлар ва жамлаш имконини берган бўлар эди.

Модернизациялаш жараёнининг муҳим йўналиши бўлган узоқ муддатли активларни харид қилишда уларнинг бошланғич қийматини белгилаш энг долзарб бўлиб қолмоқда. Ҳозирги пайтда узоқ муддатли ативларнинг бошланғич қийматининг таркиби 5-сон БҲМС[8] ва 7-сон БҲМС[9]да ўз ифодасини аниқ топган. Ушбу стандартларга мувофиқ узоқ муддатли активларнинг бошланғич қиймати уларнинг харид нархи, ташиб келтириш, ўрнатиш, синовдан ўтказиш ва ўргатиш харажатлари, шунингдек божхона тўловлари, давлат қайдидан ўтишга тўловлар, воситачилар, адвокатлар ва нотариус хизматлари ҳақи, сафар харажатлари ва бевосита уларни фойдаланишга туширишгача қилинган бошқа харажатларни ўз ичига олади. Бу турдаги сарф-харажатлар турли бошланғич ҳужжатларда ўз аксини топади. Ушбу ҳужжатлар асосида харид қилинган барча турдаги узоқ муддатли активларнинг бошланғич қийматини топиш учун махсус яхлит йиғма ҳужжатга зарурат пайдо бўлади. Бизнингча, мазкур ҳужжатни «Харид қилинган узоқ муддатли активларнинг бошланғич қиймати ҳисоб-китоби»,

---

[8] 5-сон БҲМС «Асосий воситалар». Ўз.Р. Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 20 январда рўйхатга олинган, № 1299.

[9] 7-сон БҲМС «Номоддий активлар». Ўз.Р. Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 27 июнда рўйхатга олинган, № 1485.

деб номлаш ва уни қуйидаги ягона шаклда тузиш тартибини ўрнатиш мақсадга мувофиқдир (3-жадвалга қаранг).

3- жадвал

«Тасдиқлайман»
Раҳбар_____

Харид қилинган узоқ муддатли активларнинг бошланғич қиймати ҳисоб-китоби»

Номи _____

Т/р	Ҳужжат		Операция мазмуни	Сумма	Корр. счётлар	
	№	Сана			Дт	Кт
			Жами			

Бош ҳисобчи _____

Ушбу ҳисоб-китоб сотиб олинган асосий воситалар ва бошқа узоқ муддатли активларни бошланғич қиймати бўйича кирим қилинишига, улар бўйича инвентар карточкаларни юритишга, шунингдек меҳнат қуроллари ва воситаларини жорий ҳисоб регистрлари ҳамда ҳисоботларда акс эттиришга асос бўлади.

Модернизациялаш жараёнининг таркибий қисми бўлган капитал қурилиш, кенгайтириш, реконструкция, янгилаш, капитал таъмирлаш каби ишларнинг ҳар бири уларнинг ўзига хос хусусиятларини яққол мужассамлаштирувчи даолалатномаларнинг тузилишини тақозо этади. Ҳозирги пайтда амалиётда капитал қурилиш, кенгайтириш, реконструкция, янгилаш, капитал таъмирлаш ишлари тўғрисида тузилаётган далолатномалар ушбу жараёнларнинг батафсил ва характерли жиҳатларини тўлиқ ёритмайди, улар ҳам шакли, ҳам мазмуни бўйича бир хиллик талабларига жавоб бермайди. Шу боис ҳам, фикримизча, капитал қурилиш, кенгайтириш, реконструкция, янгилаш, капитал таъмирлаш каби ишларнинг ҳар бири учун мўлжалланган далолатномаларнинг намунавий шаклларини ишлаб чиқиш ҳамда уларни амалиётда бир хилда қўллаш тартибларини махсус меъёрий ҳужжатлар асосида белгилаш лозим. Бундай меъёрий ҳужжатларни қабул қилиниши ва амалиётга жорий қилиниши мамлакатимизда амалга оширилаётган модернизациялаш жараёнларининг муҳим йўналишлари бўлган капитал қурилиш, кенгайтириш, реконструкция, янгилаш, капитал

таъмирлаш каби ишларни ҳужжатлаштиришнинг яхлит тизимини яратилишига имкон берган бўлар эди.

2.2.Модернизация жараёнлари синтетик ҳисобини такомиллаштириш

Иқтисодиётни модернизациялаш устувор йўналиш ҳисобланган ҳозирги шароитда бухгалтерия ҳисоби модернизациялаш жараёнлари тўғрисидаги ахборотларни ушбу жараёнларнинг олдинги бобда келтирилган таснифи, таърифлари ва тавсифларидан келиб чиқиб шакллантириш имконини бериши лозим. Таъкидлаш жоизки, республикамизда амалда бўлган 21-сон БҲМС «Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби счётлар режаси ва унини қўллаш бўйича йўриқнома»[10] корхона, муассаса ва ташкилотларда амалга оширилаётган модернизациялаш жараёнлари тўғрисидаги ахборотларни ушбу талаблар асосида шакллантиришга қўйилаётган талабларга тўлиқ жавоб бермайди. Чунончи, унда назарда тутилган счётлар тизими ҳам таркиби, ҳам номи бўйича ҳозирги шароитда корхоналар учун ўта муҳим бўлган модернизациялаш жараёнларини, уларга киритилаётган инвестициялар ҳамда бу инвестицияларнинг манбаларини бевосита ўзида акс эттирмайди. Чунончи, 21-сон БҲМСда назарда тутилган 0810 «Тугалланмаган капитал қурилиш», кўриниб турибдики, ўз номи билан корхонада амалга оширилаётган модернизациялаш жараёнининг муҳим йўналиши бўлган капитал қурилишни бевосита ифода этмайди. Бизнинг фикримизча, ушбу счётни «Капитал қурилишга инвестициялар» деб номлаш мақсадга мувофиқдир. Чунки, айнан шу ном корхонада амалга оширилаётган модернизациялаш жараёнининг муҳим йўналиши бўлган капитал қурилишга инвестицияларни аниқ ва тўлиқ ифода этади.

Бизнингча, 21-сон БҲМСда 0800 «Капитал қўйилмаларни ҳисобга олувчи счётлар» тизимига очилган бошқа счётлар ҳам ўзининг номи ва мақомига кўра такомиллаштиришга муҳтождир. Фикримизча, ушбу счётлар тизимига киритилган бошқа счётлар модернизациялаш жараёнларининг барча бошқа йўналишларини бевосита акс эттиришга мўлжалланган бўлиши лозим. Чунончи, 0820 «Асосий воситаларни сотиб олиш» номли счётни «Асосий воситаларни харид қилишга инвестициялар» деб номлаш ҳамда уни янада кенгайтиришни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Чунончи, ушбу счёт тизимида 0821 «Юксак самарали асбоб-ускуналарни харид қилишга инвестициялар», 0822 «Кўчмас мулкни харид қилишга инвестициялар» ва 0823 «Бошқа асосий воситаларни харид қилишга инвестициялар» каби счётларни очишни тавсия этамиз. Бундай тартиб корхоналар томонидан сотиб олиш йўли билан амалга оширилаётган модернизациялаш жараёнларининг аниқ йўналишларига инвестициялар тўғрисида

[10] Ўз.Р. Адлия вазирлиги томонидан 2002 йил 23 октябрда рўйхатга олинган, № 1181.

ахборотларни бевосита тўғридан-тўғри бош китобдан олиш имконини беради.

Амалдаги 21-сон БҲМСнинг камчиликларидан яна бири, бизнинг фикримизча, шундаки, унда модернизациялаш жараёнларининг муҳим йўналишлари бўлган кенгайтириш, реконструкция қилиш ҳамда мавжуд қувватларни замонавий техника ва технологиялар асосида янгилашга инвестицияларни махсус алоҳида акс эттирувчи счётлар кўзда тутилмаган. Бу турдаги капитал инвестицияларни 0890 «Бошқа капитал инвестициялар» счётида ҳисобга олиш мўлжалланган. Бирок, бу счётда акс эттирилган маълумотлардан тўғридан тўғри модернизациялаш жараёнларининг муҳим йўналишлари бўлган кенгайтириш, реконструкция қилиш ҳамда мавжуд қувватларни замонавий техника ва технологиялар асосида янгилашга киритилган инвестициялар суммаларини билиб бўлмайди. Бунинг учун ушбу счёт маълумотларини қайтадан гуруҳлаб чиқиш лозим бўлади. Бизнинг фикримизча, модернизациялаш жараёнларининг муҳим йўналишлари бўлган кенгайтириш, реконструкция қилиш ҳамда мавжуд қувватларни замонавий техника ва технологиялар асосида янгилашга инвестициялар ҳам алоҳида счётларда акс эттирилиши лозим. Бунинг учун, чунончи, 0890 «Бошқа капитал инвестициялар» счётлар тизимида қуйидаги счётларни очишни мақсадга мувофиқ, деб биламиз:

*0891 «Мавжуд қувватларни кенгайтиришга инвестициялар»;

*0892 «Мавжуд қувватларни реконструкция қилишга инвестициялар»;

*0893 «Мавжуд қувватларни замонавий техника ва технологиялар асосида янгилаш».

Бизнинг фикримизча, 0800 «Капитал қўйилмаларни ҳисобга олувчи счётлар» тизимида очилган бошқа счётлар номларини ҳам ҳозирги замон талабларига мослаштириш лозим. Чунончи, 0830 «Номоддий активларни сотиб олиш» счётини «Номоддий активларни харид қилишга инвестициялар», 0840 «Асосий подани шакллантириш» счётини «Асосий подани шакллантиришга инвестициялар», 0850 «Ерни ободонлаштиришга капитал қўйилмалар» счётини «Ерни ободонлаштиришга инвестициялар», 0860 «Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларга капитал қўйилмалар» счётини «Молиявий ижара шартномаси бўйича харид қилинган асосий воситаларга инвестициялар» деб номлаш мақсадга мувофиқдир.

Фикримизча, капитал таъмирлашга қилинаётган ҳамда ҳисобдан чиқаришга олиб борилаётган сарф-харажатларни капиталлаштириш тартибини ўрнатиш мақсадга мувофиқдир. Чунки, жуда катта маблағ эвазига қилинаётган капитал таъмирлаш ишларини бирданига ҳисобдан чиқариб юбориш асоссиз ҳолда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар таннархини, мос равишда, уларнинг сотиш таннархини ошишига, шу сабабли тайёр маҳсулотларнинг баҳоси юқори бўлганлиги учун рақоботбардошлик даражасини пасайишига олиб келмоқда. Бизнингча, капитал таъмирлашга қилинган инвестициялар ҳисоби учун 0890 «Бошқа капитал инвестициялар»

счётлар тизимида махсус 0894 «Капитал таъмирлашга инвестициялар» счётини назарда тутиш мақсадга мувофиқдир.

Шундай қилиб, юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда амалдаги 21-сон БҲМСда кўзда тутилган 0800 «Капитал қўйилмаларни ҳисобга олувчи счётлар» тизимини қуйидагича янги таркибда янгилашни тавсия этамиз (3-жадвалга қаранг).

3-жадвал

Корхоналарда модернизациялаш жараёнларини акс эттирувчи счётлар тизими

Амалдаги 21- сон БҲМС бўйича		Тавсия	
Счёт-нинг т/р	**Счётнинг номи**	**Счёт-нинг т/р**	**Счётнинг номи**
0810	Тугалланмаган капитал қурилиш	0810	Капитал қурилишга инвестициялар
0820	Асосий воситаларни сотиб олиш	0821	Юксак самарали асбоб-ускуналарни харид қилишга инвестициялар
		0822	Кўчмас мулкни харид қилишга инвестициялар
		0823	Бошқа асосий воситаларни харид қилишга инвестициялар
0830	Номоддий активларни сотиб олиш	0830	Номоддий активларни харид қилишга инвестициялар
0840	Асосий подани шакллантириш	0840	Асосий подани шакллантиришга инвестициялар
0850	Ерни ободонлаштиришга капитал қўйилмалар	0850	Ерни ободонлаштиришга инвестициялар
0860	Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларга капитал қўйилмалар	0860	Молиявий ижара шартномаси бўйича харид қилинган асосий воситаларга инвестициялар
0890	Бошқа капитал қўйилмалар	0891	Мавжуд қувватларни кенгайтиришга инвестициялар
		0892	Мавжуд қувватларни реконструкция қилишга инвестициялар
		0893	«Мавжуд қувватларни замонавий техника ва технологиялар асосида янгилаш
		0894	Капитал таъмирлашга инвестициялар

Тавсия этилаётган янги счётлар бўйича асосий бухгалтерия ҳисоби ёзувлари қуйидаги 4-жадвалда келтирилган.

4-жадвал

Модернизациялаш жараёнларини акс эттирувчи асосий бухгалтерия ҳисоби ёзувлари

№	Операциянинг мазмуни	Дебет	Кредит	Асос
1	Пудрат усулида к апитал қури -лишга қилинган инвестициялар	0810, 0120	6010, 0810	*Пудрат шартномаси; * Ишга тушириш тўғрисида далолатнома; *Бажарилган ишлар (қилинган харажатлар) қиймати тўғрисида маълумотнома – счёт-фактура; *М-29 шаклдаги ҳисобот
2	Хўжалик усулида к апитал қурилишга қилинган инвестициялар	0810 0120	1010, 6710, 6520, 6010, 6990, 2310, 2510, 3190 0810	* Ишга тушириш тўғрисида далолатнома; *М-29 шаклдаги ҳисобот; *Ҳисоб-тўлов қайдномалари; *счет –фактуралар; *касса ҳужжатлари; *бўнак ҳисботлари; *бошқалар
3	Юксак самарали асбоб -ускуналарни харид қилишга инвестициялар	0821 0130	6010, 0821	*Олди-сотди шартномаси; * Юк божхона деклорацияси; *Инвойс; *Счет – фактура; *Харид қилинган узоқ муддатли активларнинг бошлангич қиймати ҳисоб-китоби
4	Кўчмас мулкни харид қилишга инвестициялар	0822, 0120	6010, 0822	*Ояди-сотди шартномаси; * Счет – фактура; *Қабул қилиш-топшириш далолатномаси; *Харид қилинган узоқ муддатли активларнинг бошлангич қиймати ҳисоб-китоби

5	Бошқа асосий воситаларни харид қилишга инвестициялар	0823, 0140-0190	6010, 0823	*Олди-сотди шартномаси; * Счет – фактура; *Қабул қилиш-топшириш далолатномаси; *Харид қилинган узоқ муддатли активларнинг бошланғич қиймати ҳисоб-китоби
6	Номоддий активларни харид қилишга инвестициялар	0830, 0400	6010, 0830	Олди-сотди шартномаси; * Счет – фактура; *Қабул қилиш-топшириш далолатномаси; *Харид қилинган узоқ муддатли активларнинг бошланғич қиймати ҳисоб-китоби
7	Асосий подани шакллантиришга инвестициялар	0840, 0180	6010, 5010, 4290, 0840	*Олди-сотди шартномаси; * Счет – фактура; *Қабул қилиш-топшириш далолатномаси; *Бўнак ҳисоботи; *Квитанция ва кирим наклоднойлари; *Харид қилинган узоқ муддатли активларнинг бошланғич қиймати ҳисоб-китоби
8	Ерни ободонлаштиришга инвестициялар	0850, 0190	6010, 0850	*Пудрат шартномаси; *Ерни ободонлаштириш тўғрисида далолатнома; *Бажарилган ишлар (қилинган харажатлар) қиймати тўғрисида маълумотнома – счёт-фактура; *М-29 шаклдаги ҳисобот; *Харид қилинган узоқ муддатли ак тивларнинг бошланғич қиймати ҳисоб-китоби
9	Молиявий ижара шартномаси бўйича харид қилинган асосий воситаларга инвестициялар	0860, 0130	6010, 0860	*Молиявий ижара шартномаси; * Счёт-фактура; *Қабул қилиш-топшириш далолатномаси; *Молиявий лизинг тўлови графиги

10	Мавжуд қувватларни кенгайтиришга инвестициялар	0891, 0120	6010, 0891	*Пудрат шартномаси; *Кенгайтириш тўғрисида далолатнома; *Қабул қилиш-топшириш далолатномаси; *Бажарилган ишлар (қилинган харажатлар) қиймати тўғрисида маълумотнома – счёт-фактура *М-29 шаклдаги ҳисобот
11	Мавжуд қувватларни реконстру кция қилишга инвестициялар	0892, 0120, 0150. 0160	6010, 0892	*Пудрат шартномаси; *Реконструкция тўғрисида далолатнома; *Қабул қилиш-топшириш далолатномаси; *Бажарилган ишлар (қилинган харажатлар) қи ймати тўғрисида маълумотнома – счёт-фактура *М-29 шаклдаги ҳисобот
12	Мавжуд қувватларни замонавий техника ва технологиялар асосида янгилашга инвестициялар.	0893, 0130, 0140, 0150, 0160	6010, 0893	*Пудрат шартномаси; * Мавжуд қувватларни замонавий тех ника ва технологиялар асосида янгилашя тўғрисида далолатнома; *Қабул қилиш-топшириш далолатномаси; *Бажарилган ишлар (қилинган харажатлар) қиймати тўғрисида маълумотнома – счёт-фактура
13	Пудрат усулида капитал таъмирлашга инвестициялар	0894 0120-0190	6010 0894	*Пудрат шартномаси; *Капигал таъмирлаш тўғрисида далолатнома; *Қабул қилиш-топшириш далолатномаси; *Бажарилган ишлар (қилинган харажатлар) қиймати тўғрисида маълумотнома – счёт-фактура *М-29 шаклдаги ҳисобот
14	Хўжалик усулида капитал таъмирлашга инвестициялар	0894, 0120-0190	6010, 0894	*Капитал таъмирлаш тўғрисида далолатнома; *Қабул қилиш-топшириш далолатномаси; *М-29 шаклдаги ҳисобот

Бизнинг фикримизча, модернизациялаш жараёнларининг молиялаштириш манбаларини бухгалтерия ҳисобида акс эттириш услубияти ҳам улар тўғрисидаги ахборотларни модернизациялаш жараёнлари молиялаштириш манбаларининг юқорида келтирилган тавсифи ва таснифидан келиб чиқиб шакллантириш имконини бериши лозим. Таъкидлаш жоизки, республикамизда амалда бўлган 21-сон БҲМС «Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби счётлар режаси ва унини қўллаш бўйича йўриқнома»[11] корхона, муассаса ва ташкилотларда амалга оширилаётган модернизация жараёнлари молиялаштириш манбаларини тўғрисидаги ахборотларни юқорида таъкидланган тартиблар асосида шакллантиришга қўйилаётган талабларга тўлиқ жавоб бермайди. Чунончи, унда назарда тутилган счётлар тизими ҳам таркиби, ҳам номи бўйича ҳозирги шароитда корхоналар учун ўта муҳим бўлган модернизациялаш жараёнлари молиялаштириш манбаларини бевосита ўзида акс эттирмайди. Чунончи, 21-сон БҲМСда назарда тутилган 6810 «Қисқа муддатли банк кредитлари», 7810 «Узоқ муддатли банк кредитлари», 7820 «Узоқ муддатли қарзлар», 8800 «Мақсадли тушумлар ҳисоби счётлари» тизмида назарда тутилган счётлар, кўриниб турибдики, ўз номи билан корхонада амалга оширилаётган модернизациялаш жараёни молиялаштириш манбаларини бевосита ифода этмайди. Бизнинг фикримизча, ушбу счётлар тизимида махсус модернизациялар жараёнлари молиялаштириш манбаларини акс эттирувчи қуйидаги счётларни назарда тутиш лозим:

*6811 «Модернизациялаш жараёнлари учун олинган қисқа муддатли банк кредитлари»;

*6821 «Модернизациялаш жараёнлари учун олинган қисқа муддатли қарзлар»;

*7811 «Модернизациялаш жараёнлари учун олинган узоқ муддатли банк кредитлари»;

*7821 «Модернизациялаш жараёнлари учун олинган узоқ муддатли қарзлар»;

*8811 «Модернизациялаш жараёнлари учун олинган грантлар»;

*8821 «Модернизациялаш жараёнлари учун олинган субсидиялар»;

*8841 «Модернизациялаш жараёнлари учун корхона ихтиёрида қолдирилган солиқ имтиёзлари»;

*8891 «Модернизациялаш жараёнлари учун олинган бошқа мақсадли тушумлар»;

Ушбу счётларни амалиётда қўллаш корхоналар томонидан амалга оширилаётган модернизациялаш жараёнлари молиялаштириш манбалари тўғрисида ахборотларни бевосита тўғридан-тўғри бош китобдан олиш имконини беради.

[11] Ўз.Р. Адлия вазирлиги томонидан 2002 йил 23 октябрда рўйхатга олинган, № 1181.

2.3.Модернизациялаш жараёнларини молиявий ҳисоботда акс эттиришнинг ҳозирги ҳолати ва уни такомиллаштириш йўналишлари

Корхоналарда юз берган ва бераётган модернизациялаш жараёнлари тўғрисида ташқи фойдаланувчиларга ахборот бериш воситаларидан бири бўлиб, маълумки, молиявий ҳисобот ҳисобланади. Чунончи, амалдаги молиявий ҳисобот шаклларида модернизациялаш жараёнларга оид қуйидаги ахборотлар ягона пул бирлигида ўз аксини топади (5-жадвал).

5-жадвал

Модернизациялаш жараёнларига оид ахборотларни молиявий ҳисобот шаклларида акс эттириладиган жиҳатлари

№	Ҳисобот шакли ва номи	Қайси жиҳатлар акс эттирилади
1	1-шакл «Бухгалтерия баланси»	*Асосий воситалар ва улар эскиришининг давр боши ва охиридаги ҳолати; *Номоддий активлар ва улар эскиришининг давр боши ва охиридаги ҳолати; *Ўрнатилмаган жиҳозларнинг давр боши ва охиридаги ҳолати; *Капитал қуйилмаларнинг давр боши ва охиридаги ҳолати; *Модернизациялаш жараёнларига оид узоқ ва қисқа муддатли дебиторлик қарзларнинг давр боши ва охиридаги ҳолати; * Модернизациялаш жараёнларига оид узоқ ва қисқа муддатли кредиторлик қарзларнинг давр боши ва охиридаги ҳолати; * Модернизациялаш жараёнларига оид муддати узайтирилган харажатларнинг давр боши ва охиридаги ҳолати; * Асосий воситалар, ўрнатилмаган жиҳозлар ва тугалланмаган капитал қурилиш объектларини қайта баҳолашдан ҳосил бўлган резерв капиталининг давр боши ва охиридаги ҳолати; *Бепул олинган мулк ҳисобидан вужудга келган резерв капиталининг давр боши ва охиридаги ҳолати; *Хорижий инвесторлар томонидан таъсис бадали сифатида киритилган узоқ муддатли активлар бўйича курс фарқлари эвазига вужудга келган қўшилган капиталнинг давр боши ва охиридаги ҳолати
2	2-шакл «Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот»	*ҳисобот даврда амалга оширилган капитал ва жорий таъмирлаш харажатлари; *ҳисобот даврда асосий воситалар, номоддий активлар, ўрнатилмаган жиҳозлар ва тугалланмаган қурилиш объектларини ҳисобдан чиқаришдан кўрилган зарарлар;

		*ҳисобот даврда асосий воситалар, номоддий активлар, ўрнатилмаган жиҳозлар ва тугалланмаган қурилиш объектлари бўйича ҳисобланган мол-мулк солиғи суммаси; *тўлиқ амортизацияланган технологик ишлаб чиқариш жиҳозларидан фойланаилганлик учун 0,25% лик тўлов; *ҳисобот даврда асосий воситалар, номоддий активлар, ўрнатилмаган жиҳозлар ва тугалланмаган қурилиш объектларини сотиш ва бошқа чиқимларидан олинган фойда; *модернизациялаш жараёнлари учун олинган кредитлар ва қарзлар бўйича фоиз тўловлари; *модернизациялаш жараёнлари бўйича фавқулотдаги фойда ва зарарлар;
3	4-шакл «Пул оқимлари тўғрисида ҳисобот»	*Модернизациялаш жараёнларига оид пул чиқимлари; *Модернизациялаш жараёнларига оид пул киримлари; *Модернизациялаш жараёнларига оид пул киримлари ва чиқимлари ўртасидаги соф ўсиш ёки камайиш
4	5-шакл «Хусусий капитал тўғрисида ҳисобот»	*Модернизациялаш учун инвесторлар томонидан устав капиталига кирилган узоқ муддатли активлар; *Модернизациялаш учун инвесторлар томонидан киритилган узоқ муддатли активлар бўйича курс фарқлари эвазига вужудга келган қўшилган капитал; *Модернизациялаш учун бегараз олинган мулк эвазига вужудга келган резерв капитали; *Модернизациялаш мақсадларида берилган солиқ имтиёзлари эвазига вужудга келган резерв капитали.

5-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриш мумкинки, амалдаги молиявий ҳисоботнинг ҳар бир шакли модернизациялаш жараёнлари бўйича маълум ахборот чекловларига эга. Мисол учун, бухгалтерия баланси (1-шакл) корхоналарда юз берган ва бераётган модернизациялаш жараёнларининг йўналишлари, жумладан сотиб олинган янги асбоб-ускуналар, жиҳозлар, қуриб битказилган ва битказилмаган бино ва иншоатлар, реконструкция, кенгайтириш, ободонлаштириш ишларининг давр боши ва охиридаги ҳолати, ушбу жараёнларни амалга ошириш учун олинган кредитлар ва қарзлар, уларга доир дебиторлик ва кредиторлик қарзлар тўғрисида тўлиқ ахборот бермайди. «Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот» (2-шакл)да акс эттириладиган даромад ва харажатларга оид маълумотлардан уларнинг бевосита модернизациялашга тегишли қисмини тўғридан-тўғри олиб бўлмайди. «Пул оқимлари тўғрисида ҳисобот» (4-шакл) макон ва замонда юз берган ва бераётган модернизациялаш жараёнларига оид пул кирим ва

чиқимларини бу жараёнларнинг алоҳида турлари ва йўналишлари бўйича акс эттирмайди.

Юқоридаги ва бошқа жиҳатдаги чекловлар молиявий ҳисобот шаклларини ахборот фойдаланувчилар манфаатлари нуқтаи назаридан янада ҳам такомиллаштириш заруратлари мавжудлигидан дарак беради.

Бизнингча, 2012 йилнинг 3-чорагидан бошлаб бекор қилинган «Асосий воситалар ҳаракати тўғрисида ҳисобот»га юклатилган функцияларни айрим қисмини, чунончи, модернизациялашга йўналтирилган тугалланмаган капитал инвестицияларнинг алоҳида турларини, яъни янги қурилиш, реконструкция, янгилаш, ободонлаштириш, . капитал таъмирлаш суммаларини акс эттиришни «Бухгалтерия баланси» (1-шакл)га юклаш мақсадга мувофиқ. Бунинг учун модернизациялаш жараёнларининг алоҳида йўналишларига қилинган, бироқ ҳисобот даврда тугалланмаган инвестицияларни бухгалтерия балансининг алоҳида қаторларида акс эттириш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Модернизациялаш жараёнларига қилинган реал пул чиқимларини «Пул оқимлари тўғрисида ҳисобот» (4-шакл)нинг «Инвестиция фаолиятига доир пул кирими ва чиқими» бўлимида модернизациялаш жараёнларининг аниқ турлари, масалан янги асбоб ускуналарни, бино ва иншоатларни, номоддий активларни, асосий подани ва бошқа техника ва технологияларни сотиб олиш, капитал қурилиш, реконструкция, кенгайтириш, янгилаш, капитал таъмирлаш учун пул тўловлари кесимларида акс эттириш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, ушбу ҳисоботнинг «Молиявий фаолиятга доир пул кирими ва чиқими» бўлимида олинган кредит ва қарзларни модернизациялаш жараёнларининг юқорида зикр этилган алоҳида турлари акс эттириш фойдадан холи бўлмайди, деб ҳисоблаймиз.

«Хусусий капитал тўғрисида ҳисобот» (5-шакл)да солиқ имтиёзлари ҳосил бўлган резерв капиталини ҳамда соф фойданинг ишлатилишини модернизациялаш жараёнларининг аниқ турлари бўйича акс эттириш тартибини ўрнатишни тавсия этамиз.

Юқорида келтирилган таклиф ва тавсияларимиз, фикримизча, молиявий ҳисоботнинг корхоналарда юз бераётган модернизациялаш жараёнлари тўғрисида ахборот бериш имкониятларини янада яхшилашга, мос равишда, унинг инвесторлар учун фойдалилик даражасини ошишига имкон беради.

3-боб. МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ЖАРАЁНЛАРИ АУДИТИНИ ЎТКАЗИШНИНГ ТАШКИЛИЙ ВА МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

3.1. Модернизациялаш жараёнлари аудитининг мақсади ва вазифалари

Республикамизнинг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида қонун»ига мувофиқ модернизациялаш жараёнлари хўжалик юритувчи субъектларда ўтказиладиган мажбурий ва ташаббусли аудитнинг бевосита объектларидан бири ҳисобланади. Модернизациялаш жараёнлари аудитини яхлит молиявий ҳисобот аудити, яъни комплекс аудитнинг таркибий қисми, шунингдек тематик аудит, яъни махсус саволлар бўйича аудит сифатида ўтказиш мумкин.

Модернизациялаш жараёнлари аудитининг ҳар иккала турининг асосий мақсади бўлиб қуйидагилар тўғрисида исботу далилларни йиғиш ва хулосага келиш ҳисобланади:

1. Юз бераётган модернизациялаш жараёнларига оид молиявий-хўжалик операцияларини амалдаги қонунларга зид эмаслиги;
2. Модернизациялаш жараёнларини ҳисоб ва ҳисоботда тўғри акс эттирилганлиги;
3. Корхонада юз бераётган модернизациялаш жараёнларини тўланаётган солиқларга таъсир доирасини республикамиз солиқ қонунчиликлари талабларига мослиги.

Шунингдек, модернизациялаш жараёнларини аудит кўригидан ўтказиш негизида ҳисоб ва ҳисоботда мавжуд камчиликларни ўз вақтида тузатишга эришиш, бу жараёнлар иштирокчилари, айниқса инвесторлари иқтисодий манфаатларини, яъни фойда олишга эришишлари кафолатларини ҳимоя қилиш ва бошқалар ҳам ётади.

Айнан юқоридаги мақсад аудиторлар олдига модернизациялаш жараёнларини мажбурий ва ташаббусли, комплекс ва тематик аудиторлик текширувларидан ўтказишда тегишли вазифаларни ҳам қўймоқда. Уларнинг асосийлари сирасига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- модернизациялаш жараёнларини тегишли ҳужжатлар билан тўғри расмийлаштирилаётганлигини текшириш;
- модернизациялаш жараёнларига қилинаётган сарф-харажатларни ҳисоб ва ҳисоботда реал акс эттирилганлигини текшириш;
- модернизациялаш жараёнларидан олинган натижаларни, чунончи активларни тўғри баҳоланганлиги ва кирим қилинганлигини текшириш;
- модернизациялаш жараёнларидан кўрилган зарарларни тўғри ҳисоб-китоб қилинганлиги ва ҳисобда акс эттирилганлигини текшириш;
- модернизациялаш жараёнлари бўйича вужудга келган дебиторлик ва кредиторлик қарзларни ҳисоб ва ҳисоботда реал акс эттирилганлигини текшириш;

• модернизациялаш жараёнларига оид солиқ қонунчилиги талабларини тўғри бажарилаётганлигини текшириш;

• модернизациялаш жараёнлари бўйича ҳисоб ва ҳисоботда мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича аниқ тавсияларни бериш;

• корхона раҳбарияти ва ходимларига модернизациялаш жараёнлари ҳисобини юритиш, уни тиклаш, солиқ декларацияларини тузиш, мавжуд камчиликларни бартараф қилишда амалий ёрдам кўрсатиш.

3.2.Модернизация жараёнлари аудитининг ташкилий асослари

Модернизациялаш жараёнлари аудитини тўртта босқичга ажратиш мақсадга мувофиқ (2-расм).



2-расм. Модернизациялаш жараёнларини аудиторлик текширувидан ўтказиш босқичлари

2-расмдан кўриниб турибдики, модернизациялаш жараёнлари аудитининг ҳар бир босқичи ўз ичига тегишли ишларни ҳамда амалларни олади. Чунончи, модернизациялаш жараёнлари аудитининг 1-босқичида амалга оширилиши лозим бўлган энг муҳим ишлар сирасига қуйидагилар киради:

*иш ҳажми ва қийматини белгилаш;

*аудит режаси ва дастурини тузиш;

*аудиторлик риски даражасини белгилаш;

*юқоридаги ва бошқа шартларни ўзида мужассам этувчи шартномани имзолаш;

*аудит текширувига доир амалларни бажарувчи аудиторлар гуруҳини шакллантириш ва улар ўртасида функционал мажбуриятларни тақсимлаш.

Модернизациялаш жараёнлари бўйича иш ҳажми ва қийматини белгилаш учун махсус кўрсатма мавжуд эмас. Шу боис ҳам, модернизациялаш жараёнлари аудити бўйича иш ҳажмини белгилашда аудиторлар умумтан олинган тартибларни, чунончи, текшириладиган ҳужжатлар сонини, уларга кетадиган вақт меъёрларини, аудиторлар сонини асос қилиб олишлари мақсадга мувофиқ. Мисол учун, айтайлик, корхонада модернизациялаш жараёнларига доир бошланғич ҳужжатлар сони ҳисобот йилида 150 дона, уларнинг ҳар бирини таҳлил қилиб чиқишга кетадиган вақт сарфи тахминан 60 минут, иш куни давомийлиги аудиторлар учун 7,5 соат, ишловчи аудиторлар сони 2 киши дейдиган бўлсак, у ҳолда жами иш ҳажми қуйидагича бўлади:

*соатларда – 150*60/60 = 150 соат;

*кунларда – 150/7,5 = 20 кун;

*кун/ кишида – 20/2 = 10 кун/киши.

Маълумки, аудит бўйича иш қийматини белгилаш ҳам махсус меъёрий ҳужжатлар билан белгиланмаган. Ҳозирги пайтда аудит текширувлари бўйича иш қиймати (хизмат ҳақи) асосан тахминий келишувлар асосида белгиланмоқда. Бизнингча, аудиторлик текшируви бўйича иш қийматини белгилашда аудиторларнинг аудиторлик ташкилотларидаги ўртача ойлик иш ҳақи миқдорига, 25 %лик ЯИТ ва 20 %лик рентабеллик даражасига асосланиш мақсадга мувофиқ. Мисол учун, айтайлик, 1 та аудиторнинг ўртача ойлик иш ҳақи 1000000 (бир миллион), ЯИТ – 250000 сўм, режадаги рентабеллик суммаси 250000 сўм [(100000+250000)*20%] дейдиган бўлсак, у ҳолда модернизациялаш жараёнлари аудиторлик текширувининг қиймати қуйидагича бўлади:

*1 соатга – 1500000/25,4/7,5 = 7874 сўм;

1 кунга – 7,5 7382 = 59062 сўм;

*20 кунга – 20*59056 = 1181250 сўм

*1 кун/кишига – 1181250/10 = 118125 сўм.

Бизнингча, модернизациялаш жараёнларига оид ҳисоб ва ҳисобот маълумотларининг барчаси жиддийдир. Мос равишда, аудиторлик текширувида йўл қўйилиши мумкин бўлган четланишлар ҳамда аудиторлик риски ҳам жиддий ҳисобланади. Шу боис, фикримизча, модернизациялаш

жараёнлари бўйича ҳам умумтан олинган тартибларга кўра аудиторлик риски даражасини 5 %, четланишларнинг жиддийлик даражасини 10 % миқдорида белгилашни максадга мувофиқ, деб биламиз.

Таъкидлаш жоизки, республикамизда амалда бўлган 3-сон АФМС «Аудитни режалаштириш»да модернизациялаш жараёнлари аудиторлик текшируви режаси ва дастури махсус белгиланмаган. Улар дарсликлар, ўқув ва амалий қўлланмаларда ҳам махсус ёритилмаган. Ушбу дастакларнинг муҳим аҳамиятга моликлигидан келиб чиқиб, биз модернизациялаш жараёнлари тематик аудити режаси ва дастурини ишлаб чиқдик. Ушбу режа ва дастур 6 ва 7-жадвалларда келтирилган.

6-жадвал

Модернизациялаш жараёнлари аудиторлик текшируви режаси

Текширилаётган ташкилот	«Самарканд-Парранда» ОАЖ
Аудит даври киши-соатлар миқдори	20 кун ёки 10 кун/киши
Аудиторлик гуруҳининг раҳбари	Бахриддинов Рахмиддин
Аудиторлик гуруҳининг таркиби	Бахридлинов Р, Гайимов Д
Режалаштирилган аудиторлик риски	5%
Режалаштирилган жиддийлик даражаси	10%

№	Режалаштирилган ишлар турлари	Ўтказиш даври, кун/киши	Бажарувчи	Эслатма
1	Модернизациялаш жараёнларининг конунийлиги, ҳужжатли асосга эгалиги, бу ҳужжатларни тўғри тузилганлиги, уларни ҳисоб ва ҳисоботда тўғри акс эттирилганлигини аудиторлик текширувидан ўтказиш	8	Бахриддинов Р, Гайимов Д	
2	Модернизациялаш жараёнлари аудиторлик текшируви якунлари бўйича ҳисоботни тайёрлаш	1	Бахриддинов Р, Гайимов Д	
3	Модернизациялаш жараёнлари аудиторлик текшируви натижаларини корхона раҳбариятига тақдим этиш, муҳокама қилиш ва тадбиқ қилиш	1	Бахриддинов Р, Гайимов Д	
	Жами	10		

Модернизациялаш жараёнлари аудиторлик дастурини тузишда, биз қуйидаги талабларга асосландик:

* корхонада юз берган ва бераётган модернизациялаш жараёнларининг барча йўналишларини очиб бериш, уларнинг Ўзбекистон Республикасининг конун ҳужжатларига мувофиқлигини текшириш;

*модернизациялаш жараёнларига доир барча юз берган операцияларнинг ҳужжатли асосга эгалиги ҳамда бу ҳужжатларни тўғри тузилганлигини текшириш;

*модернизациялаш жараёнларига доир барча сарф-харажатларни бухгалтерия ҳисобида 21-сон БҲМСга мувофиқ юритилганлигини текшириш;

*модернизациялаш жараёнлари натижасида балансга кирим қилинган асосий воситалар ва бошқа активларнинг бошланғич қийматини ҳамда тугалламаган капитал инвестициялар қолдиғини ҳисоб ва ҳисоботда тўғри акс эттирилганлиги текшириш

7жадвал

Модернизациялаш жараёнлари аудиторлик текшируви дастури

Текширилади ган ташкилот	«Самарканд-Парранда» ОАЖ
Аудит даври киши-соатлар миқдори	20 кун ёки 10 кун/кици
Аудиторлик гуруҳининг раҳбари	Бахриддинов Рахмиддин
Аудиторлик гуруҳининг таркиби	Бахриддинов Р, Гайимов Д
Режалаштирилган аудиторлик риски	5%
Режалаштирилган жиддийлик даражаси	10%

N	Аудит бўлимлари бўйича аудиторлик тадбирлари руйхати	Ўтказиш даври, Кун	Бажарувчи	Аудиторнинг иш хужжат-лари	Изохлар
1	Модернизациялаш жараёнларига доир шартномалар ва улар талабларига амал қилишнинг ҳолати	1	Р.Бахриддинов, Д. Гайимов	Пудрат ва олди-сотди шартномалари	
2	Тугалламаган капитал қурилиш, реконструкция, кенгайтириш ва янгилаш ишларининг йил боши ва охиридаги қолдиғи	1	Р.Бахриддинов, Д. Гайимов	Бухгалтерия баланси, Бош китобдаги тегишли счётлардан кўчирмалар, инветаризация варағи	
3	Янги курилишга, реконструкция, кенгайтириш, янгилаш, ободонлаштириш ва капитал таъмирлаш ишларига сарф-харажатлар, ушбу сарф-харажатларнинг ҳисобдан чиқарилиши	3	Р.Бахриддинов, Д. Гайимов	М-29, ҳисоб-тўлов қайдномалари, счёт-фактуралар, двлолатнома-лар	
4	Янги асбоб-ускуна, жиҳозлар техника, технология, транспорт, компьютерлар, мебель ва бошқа асосий воситаларни, номоддий	2	Р.Бахриддинов, Д. Гайимов	Шартномалар, кирим-чиқим ҳужжатлари, ишончномалар далолатнома-лар, журнал-	

	активларни сотиб олишга инвестициялар, улар бошланғич қийматини реал аниқланганлиги			ордерлар ва бош китоб	
5	Асосий подани шакллантиришга инвестициялар	0,5	Р.Бахриддинов, Д. Гайимов	Шартномалар, кирим-чиқим ҳужжатлари, ишончномалар далолатномалар, журнал-ордерлар ва бош китоб	
6	Молиявий лизинг асосида мулкни сотиб олишга инвестициялар	0,5	Р.Бахриддинов, Д. Гайимов	Шартномалар, кирим-чиқим ҳужжатлари, ишончномалар далолатномалар, журнал-ордерлар ва бош китоб	
7	Модернизациялаш жараёнларини молиялаштириш манбаларининг ҳолати, улар бўйича фоиз тўловларини ҳисоб ва ҳисоботда реал акс эттирилганлиги	1	Р.Бахриддинов, Д. Гайимов	Шартномалар, банк кўчирмалари, пул кирим-чиқим ҳужжатлари, журнал-ордерлар ва бош китоб	
8	Модернизациялаш жараёнлари бўйича ҳисоб-китобларнинг ҳолати	1	Р.Бахриддинов, Д. Гайимов	Баланс, Бош китоб, журнал-ордерлар, таққослама қайдномалар, таҳлилий жадваллар	
	Жами	**10**			

Модернизациялаш жараёнлари аудитининг самараси унинг 2-босқичини, яъни бевосита аудиторлик текширувини ўтказишни тўғри ташкил этилганлигига боғлиқ. Бунда, айникса, текширувни нимадан бошлаш ва нима билан тамомлашни олдиндан режалаштириш, яъни унинг кетма-кетлигини тўғри белгилаш ўта муҳимдир.

Бизнингча, модернизациялаш жараёнлари аудиторлик текширувини қуйидаги кетма-кетликда ўтказиш максадга мувофиқ (3-расм).



3-расм. Модернизациялаш жараёнлари аудиторлик текширувини ўтказиш кетма-кетлиги

Модернизациялаш жараёнлари аудитининг 3-боскичида аудиторлик текшируви натижалари бўйича аудиторлик ҳисоботи тайёрланади. Ушбу ҳисоботни тайёрлашда қуйидаги талабларга амал қилиш лозим.

Биринчидан, агар модернизациялаш жараёнлари аудити тематик аудит сифатида ўтказилган бўлса, у ҳолда аудиторлик ҳисоботининг

«Модернизациялаш жараёнлари аудиторлик текширувлари натижалари тўғрисида аудиторлик ҳисоботи», деб номланиши тўғрироқ бўлади. Агар модернизациялаш жараёнлари яхлит комплекс аудит дастури бўйича текширилган бўлса, у ҳолда аудиторлик ҳисоботида аудиторлик текшируви натижалари учун махсус «Модернизациялаш жараёнлари аудити» боби ёки параграфини назарда тутиш мақсадга мувофиқдир.

Иккинчидан, модернизациялаш жараёнлари аудиторлик текширувлари натижалари бўйича тузилган ҳисобот, уни қандай мақомда ўтказилганлигига қараб, 70- сон АФМС «Аудиторлик ҳисоботи ва молиявий хисобот ҳақидаги аудиторлик хулосаси» ёки 80-сон АФМС «Махсус масалани текшириш натижалари бўйича аудитор ҳисоботи»да белгиланган умумий талабларга жавоб бериши лозим. Чунончи, аудиторлик ҳисоботи юқоридаги ҳар иккала стандартга мувофиқ қуйидаги учта қисмдан иборат бўлиши лозим:

**кириш қисм* – унда аудиторлик ташкилотининг реквизитлари, ҳисоботни кимга мўлжалланганлиги, текширувни ўтказишга асос бўлган шартнома, унинг асосий шартлари, текшириш ўтказишга манба бўлган ҳужжатлар таркиби ўз аксини топишиши керак;

**асосий таҳлилий қисм* – унда аудиторлик текширувлари натижалари ёритилиши, чунончи аниқланган камчиликлар, уларни сабаблари, айбдорлари баён қилиниши, барча келтирилган далиллар тахлилий жадваллар ёки иловаларда келтирилган бўлиши лозим;

**хулоса ва тавсиялар қисми* - унда аудиторлик такшируви натижаси асосида модернизациялаш жараёнлари бўйича ҳисоб ва ҳисоботнинг ҳолатига аудиторлик баҳоси берилиши, уни қонун ҳужжатларига мослиги ёки мос келмаслиги уқтирилиши, шунингдек хато ва камчиликларни бартараф этиш бўйича аудиторлик тавсиялари берилиши лозим.

Аудиторлик текширувларида унинг 4-босқичи, яъни аудит текшируви натижаларини амалиётга тадбиқ этиш ўта муҳим ўрин тутади. Ушбу босқичда модернизациялаш жараёнлари аудиторлик текшируви натижалари корхона раҳбарияти билан тегишли мутасадди ходимлар иштирокида обдон муҳокама қилиниши, мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича аник манзилли бошқарув қарорларини қабул қилиниши лозим.

3.3.Модернизациялаш жараёнлари аудиторлик текширувининг методологик жиҳатлари

Модернизациялаш жараёнларининг хар бир йўналиши, улар натижасида корхона балансига олинган активлар, ҳисобдан чиқариладиган сарф-харажатлар ва ҳисоб-китоблар уларни ўзига хос тартиб-қоидалар ҳамда усуллар асосида аудиторлик текширувидан ўтказишни талаб этади. Изланишлар бундай тартиб-қоидаларни ҳамда усулларни манбаларда етарлича очиб берилмаганлигини кўрсатмокда.

Модернизациялаш жараёнларини ўта муҳим аҳамиятга моликлиги ва улар аудитини манбаларда етарлича очиб берилмаганлигини эътиборга олиб,

қуйида бу жараёнларнинг айрим турларини аудит текширувидан ўтказишнинг методологик тартибларига қисқача тўхталамиз.

Капитал қурилишга инвестициялар аудити

Капитал қурилишга инвестициялар аудитини тугалланмаган капитал қурилишнинг ҳисобот даври бошидаги қолдиғини аниқлашдан, уни Бош китоб ва бухгалтерия балансида бир хилда акс эттирилганлигига иқрор бўлишдан бошлаш мақсадга мувофиқ. Бунинг учун, даставвал, Бош китобда очилган 0810 «Тугалланмаган капитал қурилиш» счётининг бош қолдиғи асос қилиб олинади. Ушбу счётнинг бош қолдиғи, одатда, ўтган йил охирида ўтказилган инвентаризация натижаси бўйича тузилган инвентаризация варағи маълумотлари билан тасдиқланиши лозим. Бу маълумотларнинг ўзаро уйғунлиги текширув ўтказилаётган давр бошига тугалланмаган капитал қурилиш бўйича ҳисоб ва ҳисоботнинг реаллиги тўғрисида хулоса қилишга имкон беради. Аксинча, бу маълумотларнинг ўзаро мос келмаслиги ҳисоб ва ҳисоботнинг реалигига шубҳа туғдиради. Бундай ҳолда, авваламбор, номувофиқлик сабаблари аниқланиши, уларнинг ўзаро мувофиқлигини таъминлаш талаби қўйилиши лозим бўлади.

0810 «Тугалланмаган капитал қурилиш» счётининг Бош китобда кўрсатилган қолдиғи битта ёки бир нечта тугалланмаган капитал қурилиш объектлари қийматидан иборат бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда Бош китобда келтирилган тугалланмаган капитал қурилиш қиймати алоҳида очилган аналитик ҳисоб маълумотлари йиғиндисига мос келиши лозим. Ушбу маълумотларнинг ўзаро мос келмаслиги давр бошига синтетик ва аналитик ҳисоб регистрлари маълумотлари реалигига шубҳа туғдиради. Бундай ҳолда ҳам, синтетик ва аналитик ҳисоб регистрлари маълумотлари номувофиқлик сабаблари аниқланиши, уларнинг ўзаро мувофиқлигини таъминлаш талаби қўйилиши лозим бўлади.

Юкоридаги муолажалар амалга оширилгач, ҳисобот даврда капитал қурилишга доир амалга оширилган қўшимча инвестициялар текширилиши лозим. Бундай текширувда 0810 «Тугалланмаган капитал қурилиш» счётининг дебида акс эттирилган ҳар бир сумманинг ҳужжатли асосга эга эканлигига, ушбу ҳужжатларни тўғри тузилганлиги ва тасдиқланганлигига иқрор ҳосил қилиниши лозим. Шунингдек, қилинган капитал инвестицияларга берилган бухгалтерия ёзувларининг 21-сон БҲМСга мослигига баҳо берилиши керак.

Аудитнинг кейинги қадамида 0810 «Тугалланмаган капитал қурилиш» счётининг кредитида акс эттирилган суммаларнинг реаллиги текширилади. Бундай текширувда тугалланган қурилиш объектини харакатга тушириш далолатномаси, қабул-қилиш-топшириш далолатномаси, «Бажарилган ишлар (қилинган харажатлар) қиймати тўғрисида маълумотнома – счёт-фактура», КС-3 шакл «Бажарилган ишлар ва харажатлар тўғрисида маълумотнома» ва бошқа гувоҳлик берувчи ҳужжатлар асос қилиб олинади. Текширувда ушбу ҳужжатларнинг тўлик мавжудлиги, уларнинг тўғри расмийлаштирилганлиги,

буюртмачи ва пудратчилар томонидан тасдиқланганлиги ва бошқа тегишли жиҳатлари обдон текширилиши лозим.

Кўп босқичли капитал қурилишда унинг қабул қилинган қисми таннархи ҳамда тугалланмаган қисми таннархини ҳисоб ва балансда реал акс эттирилганлигини аниқлаш ўта муҳим. Бу ишларни тўғри амалга оширилганлигига иқрор бўлиш учун корхонада тугалланган капитал қурилишни қайси усулда тан олинганлиги, унга мувофиқ қилинган капитал сарфларнинг капиталлаштирилган қисмини тўғри ҳисоб-китоб қилинганлиги аудитор томонидан текшириб чиқилиши лозим.

Маълумки, бажарилган қурилиш ишлари пудратчи, буюртмачи, инвесторлар ва бошқа қизиқувчи органлар вакиллари киритилган таркибдаги комиссия томонидан қабул қилинади. Қурилиш ишларини қабул қилиб олиш объект лойиҳасида кўрсатилган талаблар, меъёрлар ва тартиблар асосида уларни кузатиш, ўлчаш, синаб кўриш, сифатини аниқлаш ҳамда тегишли мутахассисларнинг хулосалари асосида амалга оширилади.

Капитал қурилиш ишларини пудрат усулида амалга ошираётган корхоналарда пудратчилар томонидан бажарилган қурилиш ишларини, мос равишда, уларга қилинган инвестицияларни актив сифатидан тан олиш қуйидаги усулларнинг бири бўйича амалга оширилади:

1.Тўлиқ тугалланиш усули;

2.Тугалланиш фоизи усули;

3.Босқичли усул;

Тўлиқ тугалланиш усулида бажарилган ишлар қурилиш ишлари тўлиқ якунланган ва буюртмачига топширилгандан сўнг юқорида номлари зикр этилган далолатнома ва маълумотномалар асосида тан олинади. Қурилиш ишлари тўлиқ якунланмагунча унга сарфланган барча харажатлар тугалланмаган қурилиш сифатида ҳисобга олиб борилади. «Бажарилган ишлар (қилинган харажатлар) қиймати тўғрисида маълумотнома – счёт-фактура» асосида бажарилган ишларга инвестицияларнинг капиталлашувига қуйидагича ёзув қилинади:

Дебет 0120 «Бино ва иншоатлар»

Кредит 0810 «Тугалланмаган капитал қурилиш»

Тугалланиш фоизи усули қўлланилганда дастлаб яхлит қурилиш объектининг тугалланиш фоизи аниқланади. Бу кўрсаткич жами кетган сарф-харажатларни қурилиш объектининг смета таннархига бўлиш ва 100 фоизга кўпайтириш йўли билан топилади. Топилган тугалланиш фоизи қурилиш ишининг тугалланган қисмига тўғри келувчи инвестициялар қисмини топишга асос бўлади.

Мисол. *Айтайлик, қурилиш объектининг шартнома қиймати 60000000 сўм, шундан ҚҚС (20 %) 10000000 сўм. Демак, қурилиш объекти бўйича соф тушумнинг шартнома қиймати 50000000 сўм (60000000 – 10000000). Қурилиш объектининг смета бўйича таннархи 35000000 сўм. Қурилишнинг тугалланган қисмининг ҳақиқий таннархи 28000000 сўм.*

Юқоридаги маълумотларга кўра:

(1) қурилишнинг тугалланиш фоизи – 80,0 % (28000000 / 35000000);

(2)қурилишнинг тугалланган қисмига тўғри келувчи инвестиция суммаси – 48000000 сўм (60000000 * 80 % / 100 %);

Қурилишнинг тугалланиш фоизи асосида тан олиш усулида курилишнинг тугалланган қисмининг қиймати ва тугалланиш фоизи пудратчи ҳамда буюртмачилар томонидан имзоланган «Бажарилган ишлар (қилинган харажатлар) қиймати тўғрисида маълумотнома – счёт-фактура» билан тасдиқланади. Ушбу ҳужжат асосида буюртмачида бажарилган курилиш ишларига қилинган инвестициялар суммасига юқорида келтирилган мос равишдаги бухгалтерия ёзувлари берилади.

Босқичли усул курилиш объектининг таркибий қисмларини босқичма-босқич топшириш ҳолларида қўлланилади. Бу усулни қўллашнинг асосий шартларидан бири бўлиб қурилиш лойиҳаси ва курилиш лойиҳа-смета ҳужжатларида унинг алоҳида олинган таркибий қисмларининг шартнома қиймати ҳамда смета таннархини алоҳида белгиланганлиги ҳисобланади. Бундай ҳолатларда курилиш объектининг алоҳида олинган таркибий қисми (босқичи)га доир даромад ва таннарх тўғрисидаги маълумотлар «Бажарилган ишлар (қилинган харажатлар) қиймати тўғрисида маълумотнома – счёт-фактура» билан тасдиқланади. Ушбу ҳужжатлар асосида қурилиш ишининг алоҳида босқичини бажаришга сарф-харажатларни капиталлашуви юқрида келтирилган мос равишдаги бухгалтерия ёзувлари берилади.

Капитал курилишга инвестициялар аудити натижаларини қуйидаги аналитик жадвал кўринишида расмийлаштириш фойдадан холи бўлмайди (8-жадвал)

8-жадвал

Капитал курилишга инвестицияларни аудит текшируви натижалари

Кўрсаткичлар	Давр бошига қолдик		Даврдаги оборот		Давр охирига қолдик	
	Дт	Кт	Дт	Кт	Дт	Кт
Корхона бўйича						
Аудит текшируви бўйича						
Четланиш						

Аудиторлик текшируви натижаларини юқоридаги жадвал кўринишида расмийлаштириш, ундан кўриниб турибдики, корхонада ҳам капиталлашган, ҳам ҳали капиталлаштирилмаган инвестициялар суммаларида хато-камчиликлар мавжуд эмаслигини ёки ҳисоб ва ҳисоботда қанчалик четланишларга йўл қўйилганликни аниқлашга имкон беради.

Янги техника, асбоб-ускуналар, жиҳозлар ва бошқа меҳнат воситалари харидига инвестицияларнинг аудити

Корхоналарнинг капитал инвестицияларида янги техника, асбоб-ускуналар, жиҳозлар ва бошқа меҳнат воситалари харидига инвестициялар ўта муҳим аҳамият касб этади. Ушбу инвестицияларнинг аудит кўригида алоҳида эътибор қаратилиши лозим жиҳатларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

*олди-сотди шартномаларининг мавжудлиги ва уларга тўлиқ амал қилинганлик;

* янги техника, асбоб-ускуналар, жиҳозлар ва бошқа меҳнат воситаларини сотиб олишга гувоҳлик берувчи барча ҳужжатларнинг мавжудлиги, тўлиқлиги, уларни тўғри расмийлаштирилганлиги;

*харид қилинган янги техника, асбоб-ускуналар, жиҳозлар ва бошқа меҳнат воситалари бошланғич қийматини тўғри топилганлиги;

* янги техника, асбоб-ускуналар, жиҳозлар ва бошқа меҳнат воситалари киримига бухгалтерия ёзувларини тўғри берилганлиги;

*янги техника, асбоб-ускуналар, жиҳозлар ва бошқа меҳнат воситаларига ҳисоб карточкаларини ўз вақтида ва тўғри очилганлиги, уларнинг белгиланган тартибда юритилаётганлиги ва бошқалар.

Янги техника, асбоб-ускуналар, жиҳозлар ва бошқа меҳнат воситалари харидига оид инвестициялар аудитида корхонада юқорида келтирилган талабларга қанчалик даражада амал қилинганлик ҳолатига баҳо берилади. Бундай баҳони бериш учун ҳар бир харид қилинган янги техника, асбоб-ускуналар, жиҳозлар ва бошқа меҳнат воситалари бўйича гувоҳлик берувчи ҳужжатлар, улар асосида қилинган ҳисоб ёзувлари, улар тўғрисидаги маълумотларни бош китоб ва балансда тўғри акс эттирилганлиги обдон текширилиши лозимдир.

Корхонада янги техника, асбоб-ускуналар, жиҳозлар ва бошқа меҳнат воситалари харидига қилинган жами инвестициялар суммасини аниқлаш учун, дастлаб, ушбу активларнинг ҳар бири бўйича 3-жадвалда шакли келтирилган уларнинг бошланғич қийматини аниқлаш ҳисоб-китобини аудиторлар томонидан тўлиқ текшириб чиқишни, шундан сўнг эса улар маълумотларини қуйидаги таҳлилий жадвал кўринишида умумлаштиришни мақсадга мувофиқ, деб биламиз (9-жадвал).

Ушбу аудиторлик иш ҳужжатини тузиш ва ундан фойдаланиш камида қуйидагилар тўғрисида ахборот олиш имконини беради:

*корхона балансида кирим қилинган янги техника, асбоб-ускуналар, жиҳозлар ва бошқа меҳнат воситалари бошланғич қийматини, уларга амортизация ажратмалари ва қолдиқ кийматини тўғри акс эттирилганлиги;

* корхонанинг янги техника, асбоб-ускуналар, жиҳозлар ва бошқа меҳнат воситалари харидига қилинган инвестицияларининг ҳисоб ва ҳисоботда реал акс эттирилганлиги;

9-жадвал

Корхонада ҳисобот йилида янги техника, асбоб-ускуналар, жиҳозлар ва бошқа меҳнат воситалари харидига қилинган инвестициялар

Т/р	Янги техника, асбоб-ускуналар, жиҳозлар ва бошқа меҳнат воситаларининг номи	Бошланғич қиймати		Фарқ
		Корхона бўйича	Аудит текшируви бўйича	
	Жами			

Бундан ташқари янги техника, асбоб-ускуналар, жиҳозлар ва бошқа меҳнат воситалари харидига қилинган инвестициялар аудитини юқоридаги иш ҳужжати кўринишида расмийлаштирилиши корхонанинг капиталлашуви лозим бўлган суммаларини реал топилиши эвазига корхонанинг жорий харажатларини тўғри топилишига, таннархни сунъий оширмасликка, мол-мулк солиғини тўғри ҳисоб-китоб қилинишига ҳам имкон беради.

Капитал инвестицияларни молиялаштириш манбаларининг аудити

Олдинги бобларда таъкидланганидек, модернизациялаш жараёнларига қилинган капитал инвестициялар асосан қуйидаги манбалар эвазига амалга оширилади:

*ўз маблағлари;

*банк кредитлари ва бошқа ташкилотлардан олинган қарзлар;

*солиқ имтиёзлари кўринишидаги мақсадли тушумлар.

Аудит текширувида модернизациялаш жараёнларига қилинган капитал инвестицияларнинг ҳар бир манбаси обдон текширилиши, уларнинг қайси йўналишдаги модернизациялаш жараёнларига сарф қилинаётганлиги, тўланган фоизларни капиталлашуви бўйича белгиланган меъёрларга амал қилинаётганликка баҳо берилиши лозим.

Модернизациялаш жараёнларига қилинган капитал инвестицияларнинг қандай манбалар эвазига амалга оширилаётганлини аниқлаш, бунда молиялаштиришнинг алоҳида турлари ўрнига баҳо бериш учун қуйидаги жадвал кўринишидаги ишчи ҳужжатни тузиш фойдадан холи бўлмайди (10-жадвал).

Ушбу аудиторлик иш ҳужжатини тузиш ва ундан фойдаланиш корхона томонидан амалга оширилган капитал инвестицияларнинг қанчаси жалб этилган маблағлар, қанчаси эса хусусий маблағлар эвазига амалга оширилганлиги тўғрисида ахборотларни олишга имкон беради.

10-жадвал

Ҳисобот йилида амалга оширилган модернизациялаш жараёнларини молиялаштириш манбалари

№	Модернизациялаш жараёнлари йўналишлари	Жами капитал инвести-циялар	Молиялаштириш манбалари					
			Банк кредитлари		Қарзлар		Солиқ имтиёзлари	
			Сумма, Минг сўм	Ҳисса-си, %	Сумма, Минг сўм	Ҳисса-си, %	Сумма, Минг сўм	Ҳисса-си, %
1	Капитал қурилиш							
2	Реконструкция							
3	Кенгайтириш							
4	Янгилаш							
5	Янги техника, асбоб-ускуналар, жиҳозлар ва бошқа меҳнат воситалари харидига инвестициялар							
6	Номоддий активларга инвестициялар							
7	Асосий поданк шакллантиришга инвестициялар							
8	Молиявий лизинг шартномаси бўйича мулкни сотиб олишга инвестициялар							
9	Бошқа турдаги капитал инвестициялар							
	Жами							

Модернизациялаш жараёнларини молиялаштиришнинг муҳим манбаи бўлган кредитлар ва қарзлар, маълумки, катта миқдордаги фоиз тўловларини талаб қилади. Халқаро амалиётда капитал қурилиш учун олинган кредит ва қарзлар учун тўланадиган фоиз тўловларнинг маълум қисмини капиталлаштириш тартиби кенг қўлланилади. Республикамизда амалда бўлган 21-сон БҲМСда келтирилган намунавий бухгалтерия ёзувларига мувофиқ капитал қурилиш учун олинган кредит ва қарзлар учун фоиз тўловларини ҳам капиталлаштириш мумкин. Бироқ, ушбу фоиз тўловларини қанча миқдорда ва қандай тартибда капиталлаштириш махсус меъёрий ҳужжат билан тартибга солинмаган.

23-сон БҲХСга мувофиқ капитал қурилишга доир кредитлар учун фоиз тўловларини капиталлаштириш қуйидаги кетма-кетликда ва тартибда амалга оширилади.

Биринчидан, ҳисобот даврида капиталлашадиган фоиз тўловларининг ўртача фоизи топилади. Ушбу капиталлашувнинг ўртача фоиз куйидагича ҳисоб-китоб қилинади:

$$Кф = \frac{Фт * 100\ \%}{Кс}; \quad Фт = Кс*Ст/100\%$$

Бу ерда: **Кф** - капиталлашувнинг ўртача фоизи; **Фт**- ҳисобот даврида тўланган фоиз тўловлари суммаси; **Кс**- ҳисобот даврида олинган жами қарз суммаси; **Ст**- йиллик фоиз ставкаси.

Иккинчидан, ҳисобот даврида капиталлашадиган фоиз тўловлари суммаси топилади. Ушбу капиталлашадиган фоиз тўлови суммаси қуйидагича ҳисоб-китоб қилинади:

$$Кфт = Кф* Кс /100\ \%$$

Бу ерда: **Кфт** – капиталлашадиган ўртача фоиз тўловлари суммаси;

Кс- ҳисобот даврида капитал қурилишга сарфлар суммаси.

Учинчидан, ҳисобот даврида капиталлашмайдиган ва харажат сифатида тан олинадиган фоиз тўловлари суммаси топилади. Ушбу капиталлашмайдиган ва харажат сифатида тан олинадиган фоиз тўловлари суммаси қуйидагича ҳисоб-китоб қилинади:

$$Хфт = Фт - Кфт$$

Бу ерда: **Хфт** – капиталлашмайдиган ва харажат сифатида тан олинадиган фоиз тўловлари суммаси;

Фт- ҳисобот даврида тўланган жами фоиз тўлови.

Тўртинчидан, ҳисобот даврида капиталлашадиган, яъни янги қурилиш объекти қийматига киритиладиган фоиз тўлови суммасига ҳамда капиталлашмайдиган ва харажат сифатида тан олинадиган фоиз тўловлари суммасига тегишли бухгалтерия ёзувлари берилади.

Мисол: «А» объект қурилиши капитал сарфи смета бўйича 100 миллион сўм, унга ҳақиқий сарфлар қуйидагича: январь ойида – 15 млн.сўм; февраль ойида 20 млн сўм; март ойиа -25 млн сўм; апрель ойида 15 млн сўм; май ойида – 15 млн сўм; июнь ойида -10 млн сўм. Ҳисобот йилнинг 2 январида 1 йилга олинган кредит 80 млн сўм. Йиллик тўлов ставкаси - 10 %. Фоизлар ҳар чоракда ўртача фоиз усулида капиталлашади.

Талаб қилинади:

1. Ушбу капитал қурилиш объекти бўйича капиталлашадиган фоиз тўловининг ўртача фоизини 1 ва 2- чораклар учун ҳисоблаш;
2. Ҳар чоракда фоиз тўлови суммасини ҳамда унинг капиталашадиган ва капиталлашмайдиган суммаларини топиш;
3. Фоиз тўловларининг капиталлашувига ва уларнинг капиталлашмайдиган ва харажат сифатида тан олинадиган суммаларига бухгалтерия ёзувларини қилиш.

Ушбу талаб қилинаётган топшириқларга жавоблар 11-жадвалда келтирилган.

11-жадвал

Капитал қурилишга доиз кредитлар учун фоиз тўловларини капиталлаштириш тартиби

№	Операция мазмуни	Хисоб-китоблар
1	Чоракликда энг катта капиталлашуви мумкин бўлган фоиз тўлови суммаси	Фт = 80*10% /12*3 = 2,0 млн.сўм
2	1-чоракда капиталлашадиган фоиз тўловларининг ўртача фоизи	Фў = Фт/ Кс *100% = 2/80*100 = 2,5%
3	1-чоракда капиталлашиши мумкин бўлган фоиз тўловлари суммаси	Кфт = Кф* Кс /100 %= = 2,5*60 = 1,5 млн. сўм
4	1-чоракда капиталлашмайдиган ва харажат сифатида тан олинадиган фоиз тўловлари суммасини хисоблаш	Хфт = Фт – Кфт = = 2,0-1,5 = 0,5 млн. см
5	2-чораклик энг катта капиталлашуви мумкин бўлган фоиз тўлови суммаси	Фт = 80*10% /12*6 =4,0 млн.сўм
6	2-чоракда капиталлашадиган фоиз тўловларининг ўртача фоизи	Фў = Фт/ Кс *100% = 4/80*100 = 5%
7	2-чоракда энг катта капиталлашиши мумкин бўлган фоиз тўловлари суммаси	Кфт = Кф* Кс /100 %= = 5*100 = 5 млн. сўм
8	2-чоракда хақиқатда капиталлаштириладиган фоиз тўловлари суммаси	Кфт = 4,0 – 1,5 = 2,5 млн. см
9	Фоизларнинг капиталлашувига бухгалтерия ёзуви	
	1-чоракда	Дебет 0810 Кредит 6920 – 1,5 млн. сўмга
	2-чоркда	Дебет 0810 Кредит6920 – 2,5 млн.сўмга
10	Капиталлашмайдиган ва харажат сифатида тан олинадиган фоиз тўловлари суммаси	
	1-чоракда	Дебет 9610 Кредит 6920 – 0,5 млн. сўмга
	2-чоракда	Дебет 9610 Кредит 6920 – 0,5 млн. сўмга (сторно)

Аудиторлик текширувида капитал қурилишга доир олинган кредит ва қарзлар учун фоиз тўловларини капиталлаштирилган ва капиталлаштирилмаган, яъни харажатларга олиб борилган қисмини юқорида келтирилган тартибларга мос келишига ҳамда уларни хисоб ва ҳисоботда тўғри акс эттирилганлигига баҳо берилиши лозим.

ХУЛОСА

Модернизациялаш жараёнлари ҳисоби ва аудитини назарий, ташкилий ва методологик асосларини тадқиқ этиш қуйидаги хулосаларни қилишга ҳамда таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишга имкон берди.

1. Модернизациялаш ҳар қандай жамият тараққиётини таъминловчи ҳамда шу максадда аниқ макон ва замонда юз бериши муқаррар бўлган жараёндир. Янгиликка интилмасдан туриб, мавжуд моддий-техник базани янгиламасдан туриб, янги техника ва юқори технологияларни жорий этмасдан туриб, табиий равишда, жамиятни, унинг иқтисодиётини ривожлантириб бўлмайди. Айнан шу боис ҳам, Республикамиз Президенти таъкидлаганларидек, мамлакатимизни модернизация қилиш ҳозирги кундаги ва узоқ келажакдаги энг устувор вазифа ҳисобланади.

2. **Модернизациялаш** – бу корхоналар, муассасалар ва ташкилотларни техник ва технологик қайта жихозлаш, юксак самарали асбоб-ускуналарни харид қилиш ҳамда замонавий, юксак технологияларга асосланган янги ишлаб чиқаришни ташкил этишни билвосита, яъни давлат кафолатлари ва бевосита, яъни тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар асосида, шунингдек корхоналар ва аҳоли маблағлари, тижорат банклари кредитлари ҳамда давлат бюджети ва бюджетдан ташқари жамғармалари ҳисобидан амалга оширилишидир.

Макон ва замонда юз бераётган ва борган сари кўлами кенгайиб бораётган модернизациялашга қуйидаги тавсифларни бериш ҳам фойдадан холи бўлмайди.

Модернизациялаш – бу хўжалик юритувчи субъектлар моддий-техника базасини доимо ривожлантириш ва такомиллаштириб боришга қаратилган фаолиятдир.

Модернизациялаш – бу мавжуд асосий фондлар самарадорлигини янада оширишга қаратилган жараёндир.

Модернизациялаш – бу корхона, муассаса ва ташкилотларнинг пировардида аниқ натурал кўринишга ва қийматга эга бўладиган ва келгусида фойдаланиш жараёнида наф келтирувчи узоқ муддатли активлари, яъни капиталини кўпайтиришга йўналтирилган капитал инвестициялар мажмуасидир.

Модернизациялаш – бу корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда амалга оширилаётган капитал қурилиш, юксак самарали асбоб-ускуналарни харид қилиш, мавжуд асосий фондларни кенгайтириш, реконструкция қилиш ҳамда энг замонавий техника ва технологиялар асосида янгилаш жараёнларининг мажмуасидир.

3. Бухгалтерия ҳисоби ва аудитга оид дарсликлар, ўқув ва амалий қўлланмаларда модернизациялаш жараёнларининг таснифий асослари атрофлича очиб берилмасдан қолмоқда. Холбуки бу муҳим аҳамиятга молик бўлган жараёнлар ўта кенг қамровли тасниф ва тавсифга эга. Бизнинг фикримизча, бухгалтерия ҳисоби ва аудитга оид дарсликлар, ўқув ва амалий қўлланмаларда ҳам модернизациялаш жараёнларини таснифлаш негизига

модернизациялашга Президентимиз маърузаларида ўз аксини топган концепциялар, йўналишлар, тушунчаларга асосланган ҳолда қуйидаги белгиларни олиш мақсадга мувофиқ:

* модернизациялаш йўналишлари;

* модернизациялашни молиялаштириш манбалари.

Ишда корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда амалга оширилаётган модернизациялаш жараёнларини ушбу белгиларига кўра таснифи, таркиби ва тавсифи ишлаб чиқилди.

4. Республикамизда модернизациялаш жараёнларини расмийлаштиришга мўлжалланган бошланғич ҳужжатларнинг яхлит тизими ишлаб чиқилмаган. Амалиётда қўлланилаётган айрим ҳужжатлар ўзининг номи, тузилиши, қамрови ва бошқа жиҳатлари бўйича модернизациялаш жараёнларига оид ахборотларни тўлиқ олмаган, шунингдек уларнинг реквизитлари модернизациялаш жараёнларининг айрим турларига доир маълумотларни бир хилда шаклланишига имкон бермайди.

Ишда, иқтисодиётнинг барча тармоқ ва соҳаларида кенг кўламда амалга оширилаётган модернизациялаш жараёнларини расмийлаштиришга мўлжалланган бошланғич ҳужжатларнинг ягона классификаторини яратиш, ушбу классификаторга барча бошланғич ҳужжатларнинг намунавий шакллари, асосий реквизитлари ҳамда уларни тузиш тартибларини киритиш тавсия этилди.

5. Республикамизда амалда бўлган 21-сон БҲМС «Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби счётлар режаси ва унини қўллаш бўйича йўриқнома»да назарда тутилган счётлар тизими ҳам таркиби, ҳам номи бўйича ҳозирги шароитда корхоналар учун ўта муҳим бўлган модернизациялаш жараёнларини, уларга киритилаётган инвестициялар хамда бу инвестицияларнинг манбаларини бевосита ўзида акс эттирмайди. Бизнингча, 0810 «Тугалланмаган капитал қурилиш» счётини «Капитал қурилишга инвестициялар» деб номлаш мақсадга мувофиқдир. Чунки, айнан шу ном корхонада амалга оширилаётган модернизациялаш жараёнининг муҳим йўналиши бўлган капитал қурилишга инвестицияларни аниқ ва тўлиқ ифода этади. Шунингдек, 0820 «Асосий воситаларни сотиб олиш» номли счётни «Асосий воситаларни харид қилишга инвестициялар» деб номлаш ҳамда уни янада кенгайтиришни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Чунончи, ушбу счёт тизимида 0821 «Юксак самарали асбоб-ускуналарни харид қилишга инвестициялар», 0822 «Кўчмас мулкни харид қилишга инвестициялар» ва 0823 «Бошқа асосий воситаларни харид қилишга инвестициялар» каби счётларни очишни тавсия этамиз. Бундай тартиб корхоналар томонидан сотиб олиш йўли билан амалга оширилаётган модернизациялаш жараёнларининг аниқ йўналишларига инвестициялар тўғрисида ахборотларни бевосита тўғридан-тўғри бош китобдан олиш имконини беради.

6.Амалдаги 21-сон БҲМСда модернизациялаш жараёнларининг муҳим йўналишлари бўлган кенгайтириш, реконструкция қилиш ҳамда мавжуд қувватларни замонавий техника ва технологиялар асосида янгилашга

инвестицияларни махсус алоҳида акс эттирувчи счётлар кўзда тутилмаган. Бизнинг фикримизча, модернизациялаш жараёнларининг мухим йўналишлари бўлган кенгайтириш, реконструкция қилиш ҳамда мавжуд қувватларни замонавий техника ва технологиялар асосида янгилашга инвестициялар ҳам алоҳида счётларда акс эттирилиши лозим. Бунинг учун, чунончи, 0890 «Бошқа капитал инвестициялар» счётлар тизимида қуйидаги счётларни очишни мақсадга мувофиқ, деб биламиз:

*0891 «Мавжуд қувватларни кенгайтиришга инвестициялар»;

*0892 «Мавжуд қувватларни реконструкция қилишга инвестициялар»;

*0893 «Мавжуд қувватларни замонавий техника ва технологиялар асосида янгилаш».

7.Бизнинг фикримизча, 0800 «Капитал қўйилмаларни ҳисобга олувчи счётлар» тизимида очилган бошқа счётлар номларини хам ҳозирги замон талабларига мослаштириш лозим. Чунончи, 0830 «Номоддий активларни сотиб олиш» счётини «Номоддий активларни харид қилишга инвестициялар», 0840 «Асосий подани шакллантириш» счётини «Асосий подани шакллантиришга инвестициялар», 0850 «Ерни ободонлаштиришга капитал қўйилмалар» счётини «Ерни ободонлаштиришга инвестициялар», 0860 «Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларга капитал қўйилмалар» счётини «Молиявий ижара шартномаси бўйича харид килинган асосий воситаларга инвестициялар» деб номлаш мақсадга мувофиқдир.

8.Фикримизча, капитал таъмирлашга қилинаётган ҳамда ҳисобдан чиқаришга олиб борилаётган сарф-харажатларни капиталлаштириш тартибини ўрнатиш мақсадга мувофиқдир. Чунки, жуда катта маблағ эвазига қилинаётган капитал таъмирлаш ишларини бирданига ҳисобдан чиқариб юбориш асоссиз ҳолда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар таннархини, мос равишда, уларнинг сотиш таннархини ошишига, шу сабабли тайёр маҳсулотларнинг баҳоси юқори бўлганлиги учун рақоботбардошлик даражасини пасайишига олиб келмоқда. Бизнингча, капитал таъмирлашга қилинган инвестициялар ҳисоби учун 0890 «Бошқа капитал инвестициялар» счётлар тизимида махсус 0894 «Капитал таъмирлашга инвестициялар» счётини назарда тутиш мақсадга мувофиқдир.

9. Бизнингча, 2012 йилнинг 3-чорагидан бошлаб бекор қилинган «Асосий воситалар ҳаракати тўғрисида ҳисобот»га юклатилган функцияларни айрим қисмини, чунончи, модернизациялашга йўналтирилган тугалланмаган капитал инвестицияларнинг алоҳида турларини, яъни янги қурилиш, реконструкция, янгилаш, ободонлаштириш, капитал таъмирлаш суммаларини акс эттиришни «Бухгалтерия баланси» (1-шакл)га юклаш мақсадга мувофиқ. Бунинг учун модернизациялаш жараёнларининг алоҳида йўналишларига қилинган, бироқ ҳисобот даврда тугалланмаган инвестицияларни бухгалтерия балансининг алоҳида қаторларида акс эттириш лозим, деб ҳисоблаймиз.

10. Модернизациялаш жараёнларига қилинган реал пул чиқимларини «Пул оқимлари тўғрисида ҳисобот» (4-шакл)нинг «Инвестиция фаолиятига

доир пул кирими ва чиқими» бўлимида модернизациялаш жараёнларининг аниқ турлари, масалан янги асбоб ускуналарни, бино ва иншоатларни, номоддий активларни, асосий подани ва бошқа техника ва технологияларни сотиб олиш, капитал қурилиш, реконструкция, кенгайтириш, янгилаш, капитал таъмирлаш учун пул тўловлари кесимларида акс эттириш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, ушбу ҳисоботнинг «Молиявий фаолиятга доир пул кирими ва чиқими» бўлимида олинган кредит ва қарзларни модернизациялаш жараёнларининг юқорида зикр этилган алоҳида турлари акс эттириш фойдадан холи бўлмайди, деб ҳисоблаймиз.

11.«Хусусий капитал тўғрисида ҳисобот» (5-шакл)да солиқ имтиёзлари ҳосил бўлган резерв капиталини ҳамда соф фойданинг ишлатилишини модернизациялаш жараёнларининг аниқ турлари бўйича акс эттириш тартибини ўрнатишни тавсия этамиз.

12. Модернизациялаш жараёнлари аудитини яхлит молиявий ҳисобот аудити, яъни комплекс аудитнинг таркибий қисми, шунингдек тематик аудит, яъни махсус саволлар бўйича аудит сифатида ўтказиш мумкин.

13. Адабиётларда модернизациялаш жараёнларини аудитининг ташкилий асослари, уни ўтказиш кетма-кетлиги ва тартиблари етарлича очиб берилмаган. Ишда модернизациялаш жараёнлари аудитини тўртта босқичли модули, унинг режаси ва дастури ишлаб чиқилди, шунингдек ушбу жараёнлар аудити бўйича иш ҳажми ва кийматини аниқлашга доир ҳисоб-китоблар тартиблари тавсия этилди.

14.Модернизациялаш жараёнларининг ҳар бир йўналиши, улар натижасида корхона балансига олинган активлар, ҳисобдан чиқариладиган сарф-харажатлар ва ҳисоб-китоблар уларни ўзига хос тартиб-қоидалар ҳамда усуллар асосида аудиторлик текширувидан ўтказишни талаб этади. Изланишлар бундай тартиб-қоидаларни ҳамда усулларни манбаларда етарлича очиб берилмаганлигини кўрсатмоқда.

Ишда капитал қурилишга инвестициялар, янги техника, асбоб-ускуналар, жиҳозлар ва бошқа меҳнат воситалари харидига инвестициялар, модернизациялаш жараёнларига қилинган капитал инвестицияларни молиялаштириш манбалари, капитал қурилиш учун олинган кредит ва қарзлар учун тўланадиган фоиз тўловларининг капиталлаштирилишини аудиторлик текширувидан ўтказиш тартиблари ишлаб чиқилди.

Юқорида келтирилган таклиф ва тавсияларимиз, фикримизча, корхоналарда юз бераётган модернизациялаш жараёнлари ҳисоби ва аудитининг назарий, ташкилий ва методологик асосларини замон талабларига мослаштиришда, ҳисоб ва ҳисоботнинг модернизациялаш жараёнлари тўғрисида ахборот бериш имкониятларини янада яхшилашга, мос равишда, бошқарувнинг мухим дастаклари бўлган бухгалтерия ҳисоби ва аудитнинг инвесторлар учун фойдалилик даражасини янада ошишига имкон беради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1.Каримов И.А Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Т.: «Ўзбекистон». 2009, - 48 б.;

2.Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. Президент Ислом Каримовнинг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърўзаси // Халқ сўзи, 2010 йил 30 январь;

3.Каримов И.А.. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фукаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. - Тошкент: «Ўзбекистон», 2010. – 28-б.;

4.Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. // Ҳалқ сўзи, 2011 йил 22 январь.

5.Каримов И. А.2012 йил ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. // Ҳалқ сўзи, 2012 йил 18 январь.

6.Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислоҳатларни ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Ҳалқ сўзи, 2013 йил 19 январь.

7. Ўзбекистон Республикаси қонуни «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида». 1996 йил 30 август, № 279 – I

8. Ўзбекистон Республикаси қонуни «Аудиторлик фаолияти тўғрисида» (Янги таҳрида). 2000 йил 26 май.

9.Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси. – Т.: «Норма», 2008.

10. «Маҳсулот (иш,хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тўғрисида Низом». Ўз.Р. ВМ нинг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган (кейинги ўзгартириш ва қўшимчалар билан).

11. Сборник национальных стандартов Республики Узбекистан. Том 3.- Т.: Изд. «Мир экономики и права», 2005.

12. Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоби бўйича меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. 3-том. –Т.: «Норма», 2006.

13. .Международные стандарты финансовой отчетности. –М., 2003.

14.Бухгалтерия ҳисоби миллий андозалари. – Т.: 2005.

15.Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. – Т.: «Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси» давлат илмий нашриёти, 43-б.

16.Ҳозирги ўзбек тили фаол сўзларининг изоҳли луғоти» - Т.: «Шарқ» НМАК Бош таҳририяти, 2001, 137-б.

17.Бобожонов О. Молиявий ҳисоб. Дарслик. – Т.: «Молия», 2002. -660 б.

18.Дўсмуратов Р.Д. Аудит асослари. Дарслик.-Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2003. -296 бет.

19.Дўсмуратов Р.Д. Аудиторлик фаолияти: назария, услубиёт ва амалиёт. Монография-Т.: Молия, 2007. - 276 бет.

20.Дўсмуратов Р.Д., Мусаев Ҳ.Н Файзиев Ш.Н, Қўзиев И.Н, Авлоқулов А.З., Пўлатов Ғ.Н. ва бошқалар. Аудит. I қисм.-Т.:Иқтисод-молия, 2008 йил.-15 бет

219.Каримов А. ва бошқалар. Бухгалтерия ҳисоби. Дарслик.–Т.:«Шарқ», 2004.-592 б.

22. Мусаев Х.Н. Аудит. Дарслик – Т.: Молия, 2003.

23.Очилов И. ва бошқалар. Молиявий ҳисоб. Ўқув қўлланма.–Т.:ТМИ, 2004.- 256 б.

24.Подольский В.И., Поляк Г.Б., Савин А.А. и другие. Аудит. Учебник. – М.: ЮНИТИ, 2000.

25.Санаев Н, Нарзиев Р. Аудит. Дарслик. – Т.: Шарқ, 2001. - 334 бет.

26.Сотволдиев А. Замонавий бухгалтерия ҳисоби, 3 том. Дарслик. - Тошкент, ЎзРБАМА, 2004. -505 б.

27.Тулаходжаева М.М. ва бошқалар. Аудит. II жилд. - Т. : NORMA, 2008.

28. Уразов К.Б. Бухгалтерия ҳисоби ва аудит. Ўқув қўлланма. Т.: Ўқитувчи, 2004

29.Уразов К.Б. Инвестицияларнинг бухгалтерия ҳисоби ва солиққа тортилиши. - Т.: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, СБХ газетаси кутубхонаси, № 6, 2003.

30.Уразов К.Б., Воҳидов С.В. Бошқа тармоқларда бухгалтерия ҳисобининг хусусиятлари. Дарслик. – Т.: «Адиб» нашрёти, 2011.

31.Уразов К.Б. Бухгалтерия молиявий ҳисоби. – Самарқанд, СамИСИ, 2012.

32. Уразов К.Б., Худайбердиев Н.У. Солиқлар ва тўловлар аудитининг хусусиятлари. – Самарқанд, СамИСИ, 2012.

33. Уразов К., Мухаммадиев З. Модернизациялаш жараёнлари ҳисобини такомиллаштириш йўналишлари // Ж: Бозор, пул, кредит, 2012, № 10.

34. Уразов К.Б., Мухаммадиев З.У. Модернизациялаш жараёнлари аудитини такомиллаштириш йўналишлари. Илмий-амалий анжуман тўплами. - Самарканд, СамИСИ, 2013.

Уразов Комил Бахрамович
Мухаммадиев Заррух Умарович

МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ЖАРАЁНЛАРИ ҲИСОБИ ВА АУДИТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
Илмий услубий тавсиялар

2013 йил 21 июнда босишга рухсат этилди.
Қоғоз бичими А4. Офсет қоғози.
Адади 50 нусха. Буюртма № 124

СамДЧТИ нашр-матбаа марказида чоп этилди.
Манзил: Самарқанд шаҳар, Бўстонсарой кўчаси, 93 уй.